

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2011-yil, 18-fevral • № 8 (4095)


## “БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ”

***Темурийзода султонлардан бири, буюк шоҳ ва шоир, атоқли саркарда, қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар, матонат ва жасоратларга бой қисқа ҳаёти давомида ўзидан бой ҳамда бетакрор ижодий мерос қолдирди. Неча асрлардан буён бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганиб келинаётган бу ноёб маънавий бойлик фақат истиқлол туфайли том маънода халқимиз мулкига айланди. Бобур ҳаёти ва ижодини янада мукаммал ўрганиш, бобуршуносликка оид асарларни дунё миқёсида жамлаш ва илмий тадқиқ этиш изчил йўлга қўйилди. Шу мақсадларни назарда тутиб, Бобур номида жамоат фонди ташкил қилинди. Андижон шаҳрининг энг сўлим гўшаларидан бирида Бобур миллий боғи барпо этилди. Шоир номи билан аталадиган майдонда унинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Улуғ аждодимиз таваллуд топган кунни бутун мамлакатимизда, жумладан, шоир таваллуд топган Андижон шаҳрида тантанали нишонлаш анъанага айланди.***

Бобур майдони бу йил ҳам 14 феврал куни эрта тонгдан байрамона қиёфа касб этди. Пойтахтдан ташриф буюрган шоиру олимлар, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ижодкорлар, шаҳар жамоатчилиги номидан Бобур Мирзо ҳайкали пойига алвон гуллар қўйилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, профессор, Халқаро Бобур мукофоти совриндори Ваҳоб Раҳмонов, шоира Хуршида Бобур шахси ва ижодининг халқимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамияти, жаҳон маданиятига қўшган улуши, бу бетакрор мероснинг бугунги кунда халқимиз маънавияти, хусусан, ёшлар тарбиясига самарали таъсири, шунингдек андижонликларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирди. Талабалар шоир ғазалларидан ўқидилар.

Боғи Бобурдаги “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи музейи”да Бобур жамоат фонди томонидан ташкил этилган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда фонд раиси, Бобур номидаги илмий экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов ўтган бир йил мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида ҳисоб берди. Жумладан, ўтган йили Америка, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон давлатларига илмий экспедициялар уюштирилди. Ушбу сафарлар натижасида Бобур ва бобурийлар тарихига бағишланган, шунингдек, Шарқ халқлари тарихига оид янги нашрлар, ноёб китоблар, нодир қўлёзма асарлари қўлга киритилиб, “Бобур ва жаҳон маданияти музейи” кутубхонасига қўйилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари чоп қилинди. Бобур асарлари қомусини яратиш борасидаги ишлар якунига етай деб қолди. Вилям Рашбрук, Фритс Вюртле, Херолд Ламб каби чет эл адиблари ва тадқиқотчиларининг Бобур ҳаёти ва ижодига доир китобларини таржима қилиб нашрга тайёрлаш мўлжалланмоқда. “Бобурнома”нинг йўқолган саҳифаларини тиклаш, Бобур Мирзо ёзиб қолдирган тошбитиклар нусхаларини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, зиёратга келувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Бобур боғида бир қатор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур боғда жойлашган “Маънавият маркази”, “Бобур ва жаҳон маданияти”, “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейлари ёш авлод учун темурийлар ва бобурийлар тарихини ўрганиш, ўзликни англаш борасида маънавият ўчоқлари вазифасини ўтаб келмоқда.

Анжуман аввалида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг янгича йўл, ўзига хос услубда улуғ аждодимизнинг руҳий ва кўнгил кечинмалари, ўй ва изтироблари ифода этилган «Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур» номли китобининиг тақдимоти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг таниқли бобуршунос олимлар Абдулҳамид Нурмонов, Ҳамидулла Болтабоев, Ғафуржон Сатимов, Қозоқбой Маҳмудов, Маҳмуд Ҳасаний, Маҳкам Маҳмуд, Отабек Жўрабоев, Ҳасан Қудратуллаев, Шокирхон Рустамхўжаев, Дилоромм Юсупова, ношир Аҳрор Аҳмедов ва бошқалар Бобур ҳаёти ва ижодига оид илмий маърузалар билан чиқишлар қилишди. Анжуманда фонднинг 2010 йил давомида амалга оширган ишлари маъқулланди. Халқаро илмий экспедиция сафарларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бобур номидаги Андижон давлат университетида бўлиб ўтган “Назм ва наво” кечасида шоирлар Сирожиддин Саййид, Саъдулла Ҳаким, Зиёвиддин Мансур ўзларининг шоирга бағишлаган шеърларидан ўқиб беришди. Бобур ғазаллари билан айтиладиган куй-қўшиқлар янгради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси ўта ҳаётийлиги ва бағоят самимийлиги, чуқур инсонпарварлигига кўра яна қанчадан-қанча авлодлар қалбида эзгу фазилатлар қарор топишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, улуғ шоир айтганидек: “Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ”.

**Ўз мухбиримиз**



Ё.ШАМСУТДИНОВ (ЎзА) олган сурат

Шеърий лаҳза

## АРАФА

**Қишдан чиққан қуёш жилмайди,**
**Олам етди ям-яшил бахтга.**
**Табиатнинг ўзи билмайди —**
**Яшин тўшар қайси дарахтга.**

**Ёмғирлардан — нурли сочлардан**
**Дов-дарахтлар кўкка етгудай.**
**Симга қўнган қалдирғочлардан**
**Симёғоч шод — илдиз отгудай.**

**Ёғолмасдан осмонда ғаддор**
**Қор булути юради дайдиб.**
**Мўлжал олиб қуёшни қатор —**
**Кетган қушлар келмоқда қайтиб.**

**“Наврўз!” дея бугун бонг урган**
**Қутлуғ удум, қадим забондир.**
**Баҳор эмас, бошингда турган —**
**Қишдан чиққан Ўзбекистондир.**

**Усмон ҚЎЧҚОР**

## ШОИР ЁДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Университет ректори А.Исмоилов истиқлол йилларида юртимизда навоийхонлик, бобурхонлик анжуманлари анъанага айланиб, улуғ сиймолар ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш, нашр этиш йилдан-йилга кенг кўлам касб этиб бораётгани, асарларини хорижий тилларга ўгириш йўлга қўйилганини таъкидлади.

Академик Б.Назаров жаҳон маданиятида Бобурнинг тутган ўрни, таниқли адиб ва арбобларнинг унинг ижоди, бетакрор шахсига берган таърифлари ҳақида гапирди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў.Ҳошимов, филология фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммедов, профессор Б.Дўстқораев Бобурнинг назмдаги тенгсиз санъати, мумтоз асарларининг тил бойлиги ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни айтишди. Адабиётшунос олим С.Умиров “Бобурнома”да тарих, этнография, тил, адабиёт, санъат, педагогика сингари кўплаб соҳаларга оид ноёб маълумотлар борлигини таъкидлаб, мисоллар келтирди. Тадбир давомида талабалар Бобур ғазалларидан намуналар ўқишди, шоир шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

**Чарос САЙДИЕВА**

## ЗАМОН ВА ТАРЖИМА

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги ҳамда 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари Ўзбекистон жаҳон ижтимоий, иқтисодий системаларининг узвий бир ҳалқаси сифатида эркин бозор иқтисоди ва демократия тамойилларини ривожлантириш йўлида қандай янгиланиш ва ўзгаришлар ичига кириб бораётганлигининг илмий асосли, ишончли ҳужжатидир. Бу ҳужжатларда биз келажакка қаратилган иқтисодий йўналишлар, тараққиёт ғоялари ва уларнинг мазмун-моҳиятини очадиган тушунчалар, социал, фалсафий, иқтисодий янги халқаро терминларга дуч келамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилаётган бир қатор янги қонунларнинг устунлари ҳаётимиз учун янгилик бўлган термин-тушунчалар асосига қурилганлигини кўрамиз.

**20** Таржима — юксак санъат

Терминлар ҳар қандай илм, ҳар қандай ҳодисанинг, алоқа-коммуникацияларнинг ўзагидир. Тилшунослар ва таржимонлар яхши биладиларки, ҳар қандай терминлар ортида ҳаёт ва ҳаёт ортида терминлар қад ростлаб туради. Уларнинг миллий тил майдонига кириб келиши, ифодалайдиган маънолар доираси, тил ичида қанчалар ўзлашиши таржимонлар ва семиотикларнинг диққат-эътиборида туради. Бугунги ўзбек тили ранг-баранг халқаро терминлар билан бойиб бораётганлиги ушбу ҳужжатлардан ҳам равшан кўринади. Бу тил мангу ҳаракатдаги, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган воқелик эканлигини яна бир карра исботлайди. Ҳужжатлардан маълум бўладики, иқтисодий шароит, эркин бозор эҳтиёжи Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун яратилишини талаб қилди. Риэлторлик ҳодисаси кўпчилик қатори биз зиёлиларга ҳам янгилик бўлиб туюлди. В.К.Мюллернинг эътиборли луғатига мурожаат қилиб, “риэлтор” тушунчасининг маъносини ўзим учун аниқлаб олдим. Луғатга кўра, у “кўчмас мулк агенти” мазмунида қўлланади. Қонунда “агент” “воситачи”, деб олинган. Шу билан бирга бу термин эркин бозор амалиёти тақозосига кўра, яна бошқа маънолар билан ҳам бойитилган. Риэлтор терминидан келиб чиқадиган бундай коннотат маънолар Мюллерда ва бошқа луғатларда қайд этилмаган. Ҳаёт шароитидан келиб чиққан ҳолда термин ташийдиган маънолар доираси кенгайган. Ўзбек тилида бозор ва, айниқса, чорва бозори муомалаларида “даллол” тушунчаси тарихан қўллаб келинган. У келиб чиқишига кўра “далил”, “далолат” деган сўзларимизга ўзакдош. Даллол — бозор шароитида икки ўртадаги муомалани асосли далил ва далолатлар келтириб келиштирувчи, савдо-сотиққа ёрдам берувчи воситачи. Лекин шундай бўлса ҳам, “даллол” тушунчаси “риэлтор” тушунчасига муодил, яъни ҳақиқий эквивалент бўлолмайди. Унинг маъно доираси ва қўлланиш доираси эркин бозор учун торлик ва, шу билан бирга, “эскилик” қилади. Шуларни назарда тутган ҳолда қонун тузувчилар янги қонунни янги тушунча асосига қурганлар. Ҳозирги матбуотимизни синчиклаб ўқилса, юзлаб шундай иқтисодий-маърифий, бизнесология термин-тушунчаларига дуч келинади. Албатта, таржимонлар янги тушунчаларнинг ижтимоий шароитдаги бу ҳаракатидан хабардор бўлишлари ва ўз фаолиятларидан уларни яхши тушунган ҳолда қўллашлари айни муддаодир.

Давоми учинчи саҳифада.

## МАКТАБЛАРДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Ёш авлодни тарбиялашда, хусусан, уларда эстетик дидни шакллантиришда бадиий адабиёт муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мумтоз адабиётда яратилган идеал қаҳрамонлар барчани эзгуликка, ёруғликка чорлайди, олам тинчлигини, одам меҳрини қадрлашга ундайди. Ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ана шундай тимсоллар ифодаланган. Улуғ боболаримиз таваллуд топган саналарни кенг миқёсда нишонлаш юртимизда гўзал анъанага айланган.

Шу муносабат билан 14 феврал куни Тошкент шаҳридаги барча умумтаълим мактабларида адабиёт байрамлари бўлиб ўтди. Тадбир доирасида мактабларда Алишер Навоий ва Бобур китоблари кўргазмалари, мушоиралар, иншо ва баёнлар танловлари, тасвирий ва халқ амалий санъати турларига қизиқадиган ўқувчиларнинг ижодий беллашувлари ўтказилди. Адабиёт байрамида таниқли ёзувчи-шоирлар, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва санъаткорлар иштирок этди.

Мирзо Улуғбек туманидаги рус тилига ихтисослашган 50-мактаб ва Юнусобод туманидаги 272-мактабда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирларда севимли шоиримиз мактаб ўқувчиларига Алишер Навоий ва Бобур ижодий мероси, истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимизнинг тикланиши, маънавиятимизнинг юксалаётгани ҳақида сўзлаб берди, янги шеърларидан ўқиди ва ўқувчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб берди.

50-мактаб директори Валентина Ломухина рус тилида Бобур рубоийларидан ва Абдулла Орипов шеърларидан ўқиди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Мурод Абдуллаев истиқлол ва адабиёт, ҳозирги адабий жараён мавзусида сўзлади. Шоирлар Ҳумоюн Акбаров ва Рустам Мусурмон янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Мактаб ўқувчилари Навоий ва Бобур ғазаллари асосида мушоира ўтказдилар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Гулчеҳра ҚУРБОНОВА,**
**50-мактаб ўқитувчиси**

## МУСИҚА ШЕЪРГА ҚАНОТ БАХШ ЭТСА...



5

## ХУШХАБАР

Шу йилнинг 8-15 феврал кунлари Франциянинг Везувль шаҳрида бўлиб ўтган XVII халқаро Осиё киноси фестивалида ўзбек кинорежиссёри Ёлқин Тўйчиевнинг “Илова” филми фестивалнинг Гран-при (“Олтин циклодор”) мукофотига сазовор бўлди. Филмда қишлоқ ва шаҳар одамлари руҳиятидаги зиддиятлар, уларнинг қалб кечинмалари замонавий кино тилида рамзий тимсоллар, ишоралар, мажозий талқинлар орқали ҳикоя қилинган.

Қувонарлиси шундаки, филм ижодкорлари асосий мукофотдан ташқари, яна иккита махсус совринни ҳам қўлга киритдилар. Булардан бири Париж Шарқ санъати музейининг Эмил Гуймет номидаги мукофоти бўлса, иккинчиси Осиё киносини ривожлантириш халқаро тармоғи томонидан таъсис этилган фестивал ҳайъатининг “Netpas” совринидир.

Филм ижодкорларини халқаро миқёсдаги ютуқ билан табриклаб, янги ижодий парвозлар тилаймиз!

## “Чавандоз”нинг яна бир соврини



Қозоғистонда бўлиб ўтган VI-Осиё қишки олимпиада ўйинлари доирасида “Осиё мамлакатлари маданияти” халқаро кинофестивали ташкил этилган эди. Унда замонавий ва миллий спорт ўйинлари, қитъамизда яшаётган халқларнинг миллий маданияти акс эттирилган кўплаб бадиий ва ҳужжатли филмлар намойиш қилинди.

Эътиборли жиҳати, кинофестивалнинг танлов дастуридан мамлакатимиз киноижодкорлари томонидан яратилган “Чавандоз” бадиий филми ҳам ўрин олди. Филм қишки олимпиада ўйинлари чоғида Алмати шаҳри кинотеатрларида муваффақиятли намойиш қилинди. Халқимизнинг миллий спорт ўйинларидан бири бўлмиш улоқ-кўпкари мусобақасининг ўзига хос жозибаси, чавандозларнинг бетакрор характери, оддий кишиларнинг ибратли турмуш тарзи томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Япония, Индонезия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор мамлакатларда сўнгги йилларда яратилган энг сара филмлар намойиш этилган бу кинофестивалда “Чавандоз” филми махсус соврин ва диплом билан тақдирланди.

— Шу чоққача филм кўплаб халқаро кинофестивалларда иштирок этди, — дейди картина режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамидулла Ҳасанов. — Қувонарлиси, дунё киноанжуманларида бу филмга қизиқиш ҳамон сусайгани йўқ. Қолаверса, “Осиё мамлакатлари маданияти” кинофестивалида ғолиб деб топилган картиналарни яна бир қатор халқаро кинофестивалларда намойиш этиш режалаштирилган. Демак, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам хорижлик томошабинлар ушбу картина орқали халқимизнинг миллий маданияти, ҳаёт тарзи билан яқиндан танишадилар.

**Д.МАРДОНОВА**

## ИЖОДИЙ КЕЧА

Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топган Раъно Ярашева театрни ҳам, адабиётни ҳам бирдек севди. Лекин актриса бўлиш истаги устун келиб Санъат институтининг “Кино ва театр актёрлиги” факултетига ўқишга кирди. Институтни тугатиб, ижодий фаолиятини Ўзбек Миллий академик театрида бошлади.

Томошабинлар унинг ижросидаги Ёрқиной (“Ёрқиной”, Чўлпон), Бибихоним (“Соҳибқирон”, А.Орипов), Нодирабегим (“Увайсий”, З.Солиева), Нозик (“Меҳробдан чаён”, Э.Хушвақтов инсценировкаси), Тожибоева (“Ўзбекча рақс”, Н.Абосхон), Ипполета (“Ёз туни ғаройиботлари”, Шекспир), Анна (“Кулойим”, М.Шварц), шоҳ қизи (“Бахтли гадолар”, К.Гоцци) каби ўзбек ва жаҳон классик асарларидаги катта-кичик ролларидан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, бадиий ва видеофилмларда яратган кўплаб образлари Р.Ярашевани мухлислар орасида машҳур қилди.

“Самарқанд соғинчи”, “Сени ташлаб кетолмайман”, “Ҳажр” шеърий тўпламлари ҳамда “Илоҳий ишқ қиссаси” китоби муаллифи бўлган ижодкор 1995 йилдан буён Ёзувчилар уюшмаси аъзосидир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева ижодий фаолиятининг 25 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов олиб борди. Шоир Сирожиддин Саййид, санъаткорлар — Озодбек Назарбеков, Зиёда Қобулова ва ҳамкасблари актрисани муборакбод этдилар. Тадбир сўнгида «Бевалар» спектакли намойиш этилди.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА**

# ВОИЗ КИТОБ ЎҚИЙДИМИ?

Нутқ маданияти билим ва савияни намоён этувчи ноёб фазилат бўлиш билан бирга, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Алишер Навоий бобомиз "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бу ҳақда "Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсин, тўла кирган одам эса енгил тортиб холи қайтсин. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг сўзлари ҳеч кимга таъсир этмайди ва фойда келтирмайди", дея лутф этадилар.

Биз ҳар куни катта издиҳомларда, мактаб, коллеж ва ўқув юртларида у ёки бу анжуманда ўтириб маърузалар эшитамиз. Ўзимиз ҳам ёр-дўстлар даврасида, оила аъзоларимиз, фарзандларимиз даврасида сўз айтамиз, қўлимиздан келганча уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарамиз.

Аммо натижа ҳар доим ҳам кўнгилдагидек, ўзимиз кутганимиздек бўлавермайди. Сабаби бизнинг ваъзхонлик савиямиз, нутқ маданиятимизга ҳам кўп нарса боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб ҳозир олий ўқув юртларида нутқ маданияти бўлимлари очилгани айни муддао бўлди. Истардикки, кўпчилик билан мулоқотда бўладиган нотиқлар, дин аҳли ҳаёт билан боғлиқ, тингловчи онг ва шуурига бевосита таъсир кўрсатадиган мавзуларга мурожаат қилганда эътироз келиб чиқадиган ҳолларни ҳисобга олиши зарур. Аслида ўзи қилаётган панд-насиҳатларга, энг аввало, ўзи амал қилиши, масаланинг осон ёки қийинлик даражасини ўзида синаб кўриши, шундан кейингина жамоатга тақдим этиши керак.

Яқинда Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов билан қилган суҳбатимиз шу мавзу атрофида бўлди. Мен у кишига хизмат сафарига бораётганимни, сафардан мақсад Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқандда ташкил этилган Имом Бухорий халқаро марказида дин аҳли билим ва савиясига доир "Хатоба илмининг фазилатлари" мавзуида маъруза ўқишимни айтдим.

Маълумки, Имом Бухорий халқаро марказида республикамиз жоме масжидлари имом-хатиблари малака оширишлари учун қулай шароитлар яратилган. Компьютер, маънавият ва маърифат хоналари, спорт майдончаси, ошхона, ўқув биноси, шинам ётоқхона тингловчилар хизматида. Сўзларимни тинглаб Анвар қори шундай маслаҳат берди:

– Домла, малака ошираётган дин аҳлига кўпроқ китоб ўқишларини уқтирсангиз. Айримлари китоб ўқишмайди, ҳаттоки, "Ҳидоят" журналини ҳам тўлиқ ўқимайдиганлар бўлса керак. Баъзилари Алишер Навоийни, Сўфи Оллоёрни ўқимаган. Яқинда аттестация вақтида бир дин вакилига воизлик муаммолари ҳақида савол бериб, жавобдан қониқмадим. Улар орасида (вилоятларнинг чекка қишлоқларидаги масжидларга имомлик қилаётганлари ҳам бор): "Менинг вазифам беш вақт намозни ўқиб берсам, эҳсонларда қатнашсам бўлди", дегувчилар ҳам топилади. Иккинчидан, ўзбек адабий тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қилолмайдиганлар-да ора-сира учрайди. Бундайлар Қуръони карим оятлари ва қисман билган Ҳадиси шариф билан чекланадилар. Ҳолбуки, дин аҳли, воизлар динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини теран тушунтириши, миллий қадриятларимизни тарғиб этиши зарур. Бунинг учун эса кўпроқ ўқиш керак.



Воиз суҳбати ёқимли, дунё ҳаёти ва ислом дини тўғрисида теран мушоҳада юритадиган оғир, вазмин, доно, тафаккури мантиқли инсон бўлиши керак. У ўз тингловчилари орасида кимлар борлигини ҳисобга олиши, ёзувчи, шоирлар, олимлар қатнашаётган йиғинларда улар эътиборини тортадиган мавзуда суҳбат олиб бориши лозим. Уларда калондимоғлик, манманлик, кибрдан нишона ҳам бўлмаслиги керак. Маъруза-ваъз айтаётганда Оллоҳга ҳисоб бераётгандай ҳолатда бўлиши, ўзини тингловчилар олдида мулойим ва юмшоқ кўрсатиб, овоз оҳангини ҳам бошқара билиши жуда муҳим. Сўзлаётганда тингловчига дўқ ургандай оҳангда ваъз айтмаслиги, ҳар хил бемаъни гаплар билан чўчитмаслиги керак.

Абу Мусодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Набий (саллаллоҳу алайҳи васаллам) уни ва Муозни Яманга юбораётиб уларга бундай дедилар: "Енгиллаштиринглар, қийинлаштирманглар. Севинтиринглар, бездирманглар. Иноқ бўлинглар, бир-бирингларингизга қарши бўлманглар". Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шу сўзларига амал қилиш дин аҳлидан бўлган ҳар бир кишининг дастуруламали бўлиши керак.

Воиз дунёвий илм билан ислом илмини бир-бирига боғлаб тушунтириш қобилиятига эга бўлиши зарур. Бу борада Алберт Энштейннинг "Диндор фансиз кўр", деган фикрларини эслаш ўринли. Яна бир мулоҳаза дин аҳлининг нутқ маданияти ва савияси хусусида. Уларнинг аксарияти нутқида от ясовчи "***лик***" қўшимчаси ноўрин ишлатилади. "Ота-онани ҳурмат

**Мулоҳаза**

қилишлик (қилиш); илмли бўлишлик (бўлиш); насиҳатга қулоқ солишлик (солиш); ҳаромдан ҳазар қилишлик (қилиш); ҳалол меҳнат қилишлик (қилиш) кабилар. Ахир "***лик***" қўшимчаси от ясовчи қўшимча. Воизлар нутқида эса феълга қўшиб ишлатилмоқда. Аслида бу қўшимча қуйидаги сўзларга қўшилади: болалик, ёшлик, аниқлик, акалик, уйлик, бойлик, тинчлик, тушлик, совуқлик, иссиқлик, ёзлик, кузлик, кўзлик, айёрлик, усталик, чаққонлик каби.

Баъзан шундай суҳбатларни ҳам эшитамиз: "Никоҳ ҳақида гапирган бўламиз" (гапирамиз), "илмнинг хосияти ҳақида гапирган бўламиз" (гаплашамиз), "талоқ" ҳақида гапирган бўламиз" (гапирамиз), "одоб-аҳлоқ тўғрисида гапирган бўламиз" (фикр юритамиз). Бу нутқдаги услубий нуқсонлар ошдаги курмакдек тишга қаттиқ ботади. Бундай нутқий камчиликлар ўзбек тили грамматикаси қоидаларига зид бўлиб, нутқнинг мантиқийлигига, услуб қурилишига зарар етказади. Оқибатда ваъз моҳияти тингловчига тўлиқ етиб бормайди.

Баъзан эса ўзларини жуда билимдон ҳисоблаган диндорларимиз муайян йиғиннинг моҳиятидан келиб чиқмаган ҳолда унга тескари мавзуда ҳам ваъз айтиб қоладилар. Масалан, "Никоҳ" маъросимида "талоқ" мавзуида, тўй маросимида эса "ўлим" ва "охират" ҳақида ваъз айтиш хурсандчиликка қайғу ва ҳасратни қўшишга ўхшаб кетади.

Яқинда Имом Бухорий халқаро марказида ўтказилган машғулотимизда ана шу мулоҳазалар ҳақида батафсил фикр юритдик. Тингловчиларнинг аксарияти амалий баҳс-мунозара, мулоқотлар натижасида фикримизга қўшилишди.

Юртбошимизнинг: "Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин", деган фикрлари барчамизга таaллуқли. Шундай экан, ўқитувчи-мураббийми, раҳбар ёки воизми, дин аҳли ёки оддий фуқароми, ким бўлмайлик, нутқ маданиятимиз юксак, билим ва савиямиз ҳавас қиладиган даражада бўлмоғи учун қайғурмоғимиз зарур. Бунинг асоси эса маънавий тафаккур дурдоналари бўлган ноёб китоблардадир. Нутқ маданиятини ўстирувчи асосий омил — бу, китоб мутолаасидир.

**Норқул БЕКМИРЗАЕВ**

# МУҲАББАТ ҲАҚИДА АФСОНА



Пойтахтимизнинг Тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Николай Шиннинг "Муҳаббат ҳақида афсона" номли кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг юздан ортиқ рангтасвир ва графикада ишланган асарлари намойиш этилмоқда.

Н.Шин реалистик услубдан абстракционизмгача бўлган йўналишларни ўзлаштирган ҳолда, аниқ бадиий ғоя ифодаси учун керакли воситани танлайди. Рассом асарларида халқ амалий безак санъатига хос декоративлик ва шартлилик мавжуд. Айнан шу хусусият уни бошқалардан ажратиб туради. 60—70-йилларда рассом "Муҳаббат ҳақида афсона" деб номланган рангтасвир ва график асарлар туркуми устида ишлади. "Муҳаббат ҳақида афсона" асарлар туркуми Алишер Навоий ижодига бағишланган бўлиб, ҳар бир асар томошабинни буюк шоир ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништиради.

**Кўргазма залларида**

Н.Шин рангтасвир санъатига қўшган улкан ҳиссаси учун Корея республикасининг "Олтин тож" ва Ўзбекистон республикасининг "Дўстлик" орденлари билан тақдирланган.

**Ситорабону ТОЖИБОЕВА**

**Алексей ПОПОВ олган сурат.**

## *Маданий ҳаёт*

Тошкент давлат Шарқшунослик институтида "Шарқ юлдузи" журнали ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Журнал бош муҳаррири Улуғбек Ҳамдам талабаларнинг Шарқ халқлари адабиётидаги етакчи йўналишлар, Ғарб адабиётидаги айрим тенденциялар, масалан, қаҳрамоннинг ички дунёси эмас, балки хатти-ҳаракатларини тасвирлаш олдинги ўринга чиқиб кетаётганлиги, Ғарб модернизмининг Шарқ халқлари, жумладан ўзбек адабиётига қандай кўринишда таъсир ўтказаётганлиги, тасаввуфий ғояларнинг мумтоз адабиётимизда тутган ўрни борасидаги кўплаб саволларига атрофлича жавоб берди.

**Улфат МУҲИБОЕВА**

* * *

Институтда буюк ватандошимиз, давлат арбоби, хассос шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 528 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди. "Бори элга яхшилиқ қилғилки...", деб номланган адабий кечани институт ректори, профессор Абдураҳим Маннонов очиб, Бобур Мирзонинг мураккаб ва шарафли ҳаёт йўли, серқирра ижоди ҳақида сўзлади. Ёш шарқшунослар "Таржимон" тўгараги аъзолари Бобурнинг дилбар ғазал ва рубоийларини бир неча ғарб ва шарқ тилларида ёддан айтиб бердилар ҳамда Бобур ҳақидаги бадиий асарлар асосида тайёрланган саҳнавий кўринишлар ижро этдилар.

Адабий кечада Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодига бағишланган викторина ҳам ўтказилди. "Ниҳол" мукофоти соҳиби Илёс Арабов ижросидаги шоир ғазаллари билан айтилган ашулалар кечага файз бағишлади.

**Рустам ТУРСУНОВ**

# ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Ҳақиқат баҳсларда туғилади, дейишади. Умуман олганда, ҳақ гап. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Оддий баҳс маданияти, теран билим, адолат туйғуси бўлмаса, баҳсталаблардан бири боғдан, иккинчиси тоғдан келса, аравани қуруқ олиб қочса, ўша ҳақиқат туғилмасданоқ завол топиши мумкин. Демократия ўзгалар фикрини ҳурмат қилишдан, мухолифни тинглай билишдан бошланади. Акс ҳолда ҳар қандай баҳс-мунозара даҳанаки жангга айланиб кетиши мумкин. Донолар эътирофича, жанжаллашаётган кимсалардан қай бири ақллироқ бўлса, ўша кўпроқ айбдор бўларкан.

Чуқур дарё сокин оқади. Маданиятли, зиёли одам, аввало, баҳсга киришишдан олдин мухолифининг фикрини яхши уқиб олади, уни нотўғри талқин этмайди, тош босадиган, асосли фикр-мулоҳазаларини вазмин баён этиб, мухолифига дадил эътироз билдириши мумкин, аммо асло уни камситмайди, айбламайди. Баҳс давомида мухолифи ҳақ ёки қисман ҳақ бўлиб чиқса, буниям мардларча тан олади. Айни чоғда, ўз эътиқодига содиқ қолади, шамолнинг эсишига қараб фикрини ўзгартиравермайди, манфаат юзасидан ёки қўрққанидан ён бермайди. Мабодо баҳсда ғолиб келса, ғурурланиб, ҳаволаниб кетмайди, мухолифининг иззат-нафсига тегмайди.

Талабалик йилларимизда атоқли адабиётшунос олимлар – Ғулом Каримов билан Озод Шарафиддинов ўртасида социалистик реализм методи юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлганди. Қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган, ўта эҳтиёткор Ғулом Каримов (қатағон йилларига кўпроқ гувоҳ бўлган) ўз қарашларида ҳукмрон мафкура таълимотига суянарди. Биз талабаларга Озод аканинг қарашлари яқинроқ эди. Назаримда, Озод ака ўша кезлардаёқ қизил мафкурага кўр-кўрона хизмат қилувчи методнинг ижод эркинлиги, ҳур фикрга зид таълимот эканини чуқур англаб етган, аммо замона зайлига кўра баҳсда буни очиқ айтолмасди. Улар ҳақида шундай латифа ҳам тўқилганди. Бир куни иккала домла троллейбусда бирга кетишаётган экан. Манзилга етишганда Озод ака секин гап қотибди:

— Домла, ҳозир тушишимиз керак!

— Сиз шундай деб ўйлайсизми, Озод Обидович? — дея Ғулом Каримов кўзойнаги тепасидан қараб қолибди. — Менимча, бу масалани яна жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим!..

Шарқ менталитетида катталарни иззат-ҳурмат қилиш олий қадрият ҳисобланади. Айни чоғда танганинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик керак. Агар ёши катта киши оқни қора, қорани оқ деб тураверса, нима қилиш керак? «Сиз ҳақсиз, тақсир!», дея қўл қовуштириб туравериш лозимми ёки шаккокликдай туюлса-да ҳақ гапни дангал айтган маъқулми?.. Ҳаёти мобайнида бундай муаамога дуч келмаган киши топилмаса керак.

Эсимда, университетни битириб, бир неча йил турли таҳририятларда хизмат қилгач, ногоҳ кўнгилда илмий иш қилмоқ орзуси туғилди. Таниқли адиб Мирзакалон Исмоилий билан бу ҳақда маслаҳатлашдим. Устоз фикримни маъқуллабгина қолмай, машҳур профессорни илмий раҳбар бўлишга кўндириб ҳам берди. Олимликдан кўра кўпроқ нотиқлиги билан донг таратган бу одамнинг нуфузи баланд эди. Хуллас, шогирд сифатида профессор билан борди-келди қила бошладим. Илмий иш мавзуси ҳам белгиланди. Мулоқотлардан бирида қандайдир масала юзасидан домла билан фикрлашиб қолдим. Домланинг феъл-атворини яхши билсамда, хушёрликни андак унутиб, сал жўшиброқ гапира бошладим. Йўқ, мен домла билан баҳслашмоқчи эмасдим, шунчаки шахсий фикримни айтиб, муносабатини билмоқчи эдим, холос. Домлага эса шахсий фикрим керак эмас экан. У шартта гапимни бўлиб, жеркиб ташлади: «Маҳмадоначилик қилмай, айтганни қилавер! Хўпми!». Бошимга худди гурзи тушгандек гарангсиб қолдим, кейин... кўзим ярқ этиб очилди... Шу кетганча қайта қорамни кўрсатмадим.

Истиқлолдан илгари бўлиб ўтадиган баҳс-мунозараларда шўро мафкураси босими яққол сезилиб турарди. Большевикларнинг «Ким биз билан бўлмаса, у бизга душмандир», деган ғайриинсоний шиори ҳар қандай соғлом фикрни куртаклигидаёқ ғорат қилишга қодир эди. Бундай шароитда ҳақиқатни ҳимоя қилишга қаратилган холис баҳс-мунозара ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Бу машъум сиёсат мустақиллик арафасигача давом этди. Атоқли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Бобурийлар сулоласи ҳақидаги «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» романларининг чоп этилишига шўролар узоқ муддатгача рухсат беришмаганди. Ниҳоят, романлар кўп қийинчилик билан босилди. Аммо шунда ҳам адиб бошида таёқ синаверади, тазйиқлар давом этаверади. Ёзувчига ўша андозадаги қолип-айблов — ўтмишни идеаллаштириш, Бобур шахсини улуғлаш айби қўйилганди... Бу айбнома муаллифларидан бири, таажжубки, машҳур академик Иззат Султон эди. Афсус билан қайд этиш керак, адабиётимизга кўп ва хўп хизмат қилган таниқли олим мафкура бобида айрим қарашлардан, эскича эътиқодидан воз кечолмаган экан. Бунинг учун уни айблаш балки ножоиздир. Эсимда, ёзувчиларнинг навбатдаги қурултойи бўлаётганди. Иззат ака минбарга чиқиб, «Юлдузли тунлар» романини танқид қила бошлади. Шунда бутун зал оёққа қалқди, норозилик билдириб қарсак чала бошлади. Кўпни кўрган академик негадир ўзини йўқотмади. Залга қараб мурожаат қилди: «Нима, сизлар камчилик ҳақидаги гапларни эшитишни истамайсизларми?..». Зал, гарчи бундай «камчиликни» эшитишни истамаса-да, беихтиёр жимиб қолди. Ўта муҳим, долзарб муаммо юзасидан баҳс-мунозара пишиб етилаётган, уни залда ўтириб, ўқланган милтиқдек тайёр турган ёзувчининг ўзи давом эттириши лозим эди. Академик сўзини тугатиши ҳамон Пиримқул Қодиров ўрнидан туриб, сўз сўради. Аммо мафкура котибаси кескин бош чайқаб, ёзувчига сўз бермади. Минг афсуски, ҳамма интиқ кутган баҳс бўлмай қолди. Агар ўшанда ёзувчига сўз берилганда, Пиримқул аканинг бу нутқи тарихий аҳамиятга молик бир воқеа бўлиши муқаррар эди. Ишончим комилки, ёзувчи академикнинг фикрини шунчаки инкор этиш билан чекланмасди, ўзи ҳам олим сифатида вазминлик билан, қамровни кенг олиб, кўп масалаларга аниқлик киритган ва бундай асосли мулоҳазалар адабиёт равнақига хизмат қилган ва замона зайли билан тарихий мавзуда асар ёзишга журъат этолмай турган ёзувчиларга бир далда бўлур эди.

Хўш, эндиги баҳс-мунозараларимиз қандай? Улардан қониқиш ҳосил қиляпмизми? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беришга ҳали эрта. Адабиёт ва санъатнинг баҳсталаб муаммолари кўп. Айниқса, савияси саёз асарлар ҳақидаги мулоҳазалар юзаки айтилмоқда, теранлик, журъат етишмайди, далиллаш санъати заиф. Шу боис ҳақиқат чала айтилмоқда. Чала ҳақиқат эса тараққиётга хизмат қилмайди. Ўртамиёна асарлар асоссиз мақталиб, осмонга чиқариб қўйилмоқда, (айрим танқидчилар бу борада мутахассислашиб қолди). Ошириб мақташ ҳеч қачон адабиётга наф келтирмаган. Андиша билан бу нуқсонни хаспўшлаб бўлмайди. Яхши асарнинг нимаси яхши экани дурустроқ, теранроқ таҳлил қилиниши зарур эмасми? Эскича таҳлил усулининг яроқсизлиги сезилиб қоляпти. Айрим мунаққидларимиз ҳамон асар сюжетини мароқланиб қайта ҳикоя қилиш билан кифояланмоқда. Бу усулнинг ҳам адабиётга нафи кам.

Олди-қочди воқеалар ёзиладиган газеталарни сариқ матбуот деймиз. Таъбир жоиз бўлса, «сариқ адабиёт» ва бунинг оқибати ўлароқ савияси ўта паст китобхонлар табақаси ҳам пайдо бўлганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. «Нега жиддий адабиёт «сариқ адабиёт»нинг соясида қолиб кетмоқда? Нега тилга тушган анча-мунча жиддий асарлар қайта ўқишга ярамайди? Қаҳрамонлар қиёфаси кўз олдингда яққол гавдаланмайди? Ахир, адабиётнинг ўзак масаласи бетакрор характерлар яратиш-ку!

Аҳён-аҳён баҳс мавзуси бўлиб турган масала — бу, модернизмнинг асл моҳияти ҳақида. Назаримда, бу долзарб масалага ҳали жўялироқ аниқлик киритилгани йўқ. Балки шунинг оқибати бўлса керак, гоҳо ғоявий-бадиий жиҳати ночор, ребуснамо, мижғов, ўқилиши қийин, зерикарли нарсалар модернизм ниқоби остида тақдим этилмоқда. Ахир, ҳар қандай асар аввало ўқиш учун ёзилади-ку! Абдулла Қаҳҳорнинг «Китоб шавқ билан ўқилиши керак», деган ўгити ҳеч қачон эскирмайди. Хўш, китобхоннинг диди, савияси учун, аввало, ким кўпроқ жавобгар? Нега мутолаа маданияти ночор? Бундай савол-жумбоқлар кўп. Уларнинг ечими оқилона баҳс-мунозараларда топилиши мумкин.

Яқинда "Ёшлар" телеканалида айрим ҳаётий муаммолар юзасидан соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари, телетомошабинлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатлари, баҳс-мунозараларни кўриб очиғи хурсанд бўлиб кетдим. Хусусан, шаҳар транспорти муаммолари — ҳайдовчи масъулияти ва йўловчилар хавфсизлигига доир мунозаралар, бугунги ёш хонандаларимиз маданияти, эстрада қўшиқчилигидаги саёзликлар, нотўғри танланган матнларга оид мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Одамларнинг ўз ишига масъуллигини оширишда, ёш авлоднинг мусиқий савиясини кўтаришда бундай баҳс-мунозараларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Куни кеча эса мазкур телеканалнинг "Давр" кўрсатувида ноқонуний равишда савияси саёз китобларни чоп

**Шахсий фикр**

этишдан катта даромад кўриб келган, бу билан китобхонлар дидини бузаётган, "сариқ адабиёт" тегирмонига сув қуяётган Тошкентдаги "Meriyus" нашриётининг кирдикорлари очиб ташланди. Мазкур нашриётнинг қонунга хилоф ишлари ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан шарҳланди ва ноширлик ҳуқуқи бекор қилингани айтилди. Мана шу биргина холис ахборотнинг ўзи саёз китобларнинг урчиб кетаётганидан ташвиш чекаётган қанчадан-қанча зиёлилар кўнглини кўтаргани, яна қанчадан-қанча шундай ноқонуний ишларга ғов бўлиши мумкинлигини тасаввур этиб кўринг.

Маънавий муҳитнинг соғломлигида бундай изчил ишларимиз савияси, холис баҳс-мунозараларнинг аҳамиятини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

**Шодмон ОТАБЕК**



*Кўклам тараддуди...*

## Қалб ва қиёфа

# ЮЗМА-ЮЗ



Мустақиллигимиз йигирма ёшга тўлмоқда. Мустақиллик билан тенгдош авлод вояга етиб, ҳаётда ўз ўрнини топмоқда. Агар одамнинг ижтимоий онги йигирма ёш атрофида шаклланишини ҳисобга олсак, у ҳолда бугунги авлодимизнинг катта қатлами мустақиллик эълон қилингунга қадар, айниқса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида, истиқлолгача бўлган даврдаги ижтимоий ҳаёт тўғрисида бевосита тасаввурга эга эмас. Ваҳоланки, ана шу авлод қалбида мустақилликни қадрлаш туйғусини кучайтириш учун бундай тасаввурни шакллантириш даркор.

Одатда замоннинг пасту баланди бир неча усулда тарих саҳифаларига муҳрланади. Бири – архивлардаги ҳужжатларда, даврий матбуот саҳифаларида, рисолаларда акс этган маълумотларки, улар кўпинча замонасозлик руҳи билан суғорилган бўлади. Бундай манбалар аста-секин тарих сандиғининг тубига чўкиб, унутила боради, муайян қисмигина тарихшуносларнинг тадқиқот объектига айланади.

Иккинчиси – тарихни бевосита бошидан кечирган, турли воқеаларга гувоҳ бўлганларнинг хотиралари бўлиб, улар ҳам ўз кўзи билан кўрмаган, ўзи иштирок этмаган авлодга кўпинча эртак, ривоят бўлиб туюла бошлайди.

Ниҳоят, яна бир тарих бор. У ҳам бўлса, бадиий адабиётда образли кечинмалар орқали ўз аксини топган тарих бўлиб, кенг оммага қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга молик. Тарихнинг бу шакли китобхон кўз олдида даврни бутун мураккабликлари, фожиалари ва изтироблари билан ёрқин намоён этиш қудратига, сеҳрига эгадир.

Бу хусусиятни, айниқса, Абдулла Орипов шеърияти мисолида яққол кўриш мумкин. Шоирнинг 1978 йилда чоп этилган "Юзма-юз" тўпламини қайта варақлар эканмиз, ўша даврнинг ўта мафкуралашган муҳити кўз олдимиздан бирма-бир ўта бошлайди.

Сўзни шўро даврида она тилимизга бўлган муносабатдан бошлайлик. Бугун ўзбек тилига Ўзбекистоннинг давлат тили мақоми берилган. Навоийдек буюк зот ижод қилган бу тил шўро даварида йил сайин четга сурилиб, охир-оқибат йўқ бўлишга маҳкум этилган эди, дейилса, ҳозирги ёшларнинг ишониши қийин. Лекин бундай хавф ўтган асрнинг ўрталарида анча зўрайган, ҳаётда очиқ-ойдин намоён бўла бошлаган эди. Ўзбек бўла туриб, ўзбек тилида гаплаша олмайдиган авлодни тарбиялашга қаратилган кампания авж олган эди. Аҳолисининг 99 фоизи ўзбек бўлган туманларда ҳам йиғилишларни бу тилда олиб бориш "уят" бўла бошлаганини яхши эслайдиганлар ҳамон ҳаёт. Ҳукмрон мафкура "ягона совет халқи ягона тилда сўзлаши, фикрлаши керак", деган қабиҳ мақсадни кўзлаб сиёсат юритган.

Ана шундай муҳитда Абдулла Ориповнинг "Она тилимга" деган шеъри ёзилган. Атиги икки бандли бу шеър шундай якунланади:

**Она тилим, сен борсан, шаксиз**
**Булбул куйин шеърга соламан.**
**Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,**
**Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

Шоир қалбидаги она тилига муҳаббат туйғусининг ифодаси бўлган бу мисраларда тилимизнинг тақдири тўғрисидаги безовталик руҳи яққол сезилади.

Ана шундай руҳдаги шеърлар шоир қалбидаги миллатпарварлик, юртсеварлик туйғуси нақадар кучли, нақадар теран эканига қайта ва қайта ишонч ҳосил қилади:

**Мен нечун севаман Ўзбекистонни,**
**Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё,**
**Нечун Ватан дея, еру осмонни**
**Муқаддас атайман, атайман танҳо?**

Бу мисраларда тилга олинган ер – Ўзбекистон замини, осмон эса шу юрт устидаги осмон экани равшан. Ўша даврда ўсиб-униб келаётган авлодга "Сенинг ватанинг бу – СССР", деган ғоя сингдирилар, Эркин Воҳидовнинг "Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим", деган хитобига ҳамоҳанг тарзда "Ўзбекистон — Ватаним маним" дейиш эса ана шу ғояга зид эди. Шу сабабдан кўпинча шоирлар она юртига муҳаббатни пардалаб ифода этишга мажбур бўлишган. Масалан, Абдулла аканинг "Она сайёра" шеърида бош мавзу – умуминсоний муаммолар. Шоир глобусни кўрар экан, Ўзбекистон тасвирига тўш келганда уни айлантиришдан тўхтатади-да, ўз юрти тақдири тўғрисидаги ўйларга чўмади:

**Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек**
**Буюк ва бетимсол менинг Ватаним,**
**У менинг кўзимга ҳилолдай маҳваш,**
**Офтоб келар фақат унинг қошига.**

Ёки

**Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,**
**О, юртим шамоли, юртим шамоли.**

Шўро мафкураси тарихий шахсларни "эсласа бўлади" ва "эслаш тақиқланади", деган тоифаларга ажратган. Айниқса, миллатнинг ўзлигини англаш туйғусини уйғотадиган, мустаҳкамлайдиган буюк зотларнинг маънавий меросига, ҳатто исмларини хотирлашга ҳам хавотир билан қараган. Масалан, ўша даврда қуёш ғарбдан чиқишига ишонса бўлар эди-ю, аммо Тошкент ё Самарқандда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилишини тасаввур қилиб бўлмас эди. (Ҳолбуки, Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербургда босқинчилик сиёсатини изчил амалга оширган император Пётр I нинг маҳобатли ҳайкалини коммунистлар сақлаб қолган). 15 жилдли "Ўзбек совет энциклопедияси"нинг биринчи жилдида берилиши кўзда тутилган "Амир Темур" мақоласининг номиёқ қатағонга учраб, "Темур" сарлавҳаси билан 11-жилдга кўчирилган ва табиийки мўғуллар истилосида қолган халқларни зулмдан халос этган бу зот 90 фоиз қора буёқларда тасвирланган. Ана шундай шароитда Абдулла Орипов буюк аждодларимизнинг номларини шеърга солишни қўймаган:

**Наполеон эмасман, Темур ҳам эмас.**

**Темур гумбазининг қўйнини гўё**
**Ёриттани каби лаҳзалик бир нур.**

**Бу ерларда илк бора янграган Темур саси.**

Бу мисра олинган "Қарши қўшиғи" шеърида шоирдаги Амир Темурдай зот етишиб чиққан заминда яшаётганидан ифтихор туйғуси уфуриб туради.

Мана бу мисралар эса ўзбек фарзандларига томирларида кимларнинг қони оқаётганини эслатар эди:

**Жалолиддин самани бўлиб,**
**Сакраб ўтдинг Амударёдан...**

**Балки Панипатда Бобур урҳоси...**

Бобурнинг ўзига бағишланган шеърдан:

**Мен Сизни ўйладим, ҳазрати Бобур...**

Шўро мафкурасининг миллий қадриятларимизга нисбатан навбатдаги хуружи айни авжга чиққан маҳалда ҳазрати Бобур, дея мурожаат этиш шубҳасиз осон бўлмаган. (Ҳазрат [*арабча*] – жаноб, анъанага кўра дин арбобларининг исми шарифларига қўшилган.) Ваҳоланки, ўша даврда бадиий ижодда тилга олиш қатъий тақиқланган яна бир соҳа бу – диний мавзу эди. Албатта, "Энг расво намози аср", "Тошболта ошиқ" каби атеистик руҳ билан йўғрилган асарлар яратиш ҳар томонлама рағбатлантирилган. Бадиий асарда бўлсин, динга зиғирча ён босганларнинг бошига эса партиянинг мафкуравий тўқмоғи тушар эди. (Бунинг азиятини тортганлардан бири мумтоз шеъриятимиз анъаналарини энг изчил давом эттирган шоир Чустий бўлган.)

Абдулла аканинг шеърларида ажабтовур тарзда бу мавзу қайта ва қайта кўтарилган:

**Айро ҳам тушдим баъзан қалб билан имон билан.**
**Ёлғиз Оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим!**

Сўнги мисрадаги "биринчи" сўзи икки маънолигига (мумтоз "илми бадеъ" истилоҳига кўра ийҳом санъатига) эътибор берайлик. Биринчи, юзадаги маънода у "дастлабки" деб тушунилса, иккинчи, чуқурроқдагиси — "энг аввало" демак ва бу томондан тасаввуфий талқин этилиши жоиз.

**Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад...**

*(Эътибор қилинг, шоир партком ё профкомдан эмас, тасаввуф шайхидан мадад сўрамоқда!)*

**Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,**
**Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то?**

*(Яъни, қиёматгача!)*

**Дунёда диёнат ҳали мавжуддир.**

*(Дейилмоқчики, ҳали ҳамма атеист бўлиб кетганича йўқ.)*

**Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам.**

*(Изоҳ учун ! белгиси кифоя бўлса керак.)*

Ёки

**Назмий саждагоҳда Сизга, ҳойнаҳой,**
**Имомликка ўтгай фақат Алишер.**

Абдулла ака бундай "инкрустациялар" билан чекланмай, диний мавзудаги йирик асари – "Жаннатга йўл" драматик достонини ёзиб нашр этганига нима дейсиз? Ахир, асарнинг номиёқ шўро мафкурасига қарши чиқиб турибди. Айниқса, унинг якуний мисралари эса очиқдан-очиқ антиатеистик мазмунда:

*Садо:* **"Жаннат ато қилажакман иккингизга ҳам!**
**Жаннат йўли, мана, Сизга очиқ, чароғон".**

Бугун энди юқорида зикр этилган мавзуларда бус-бутун нашриётлар китоблар чоп этиш билан машғул. Аммо ўтган (ўтиб кетган) асрнинг 60-70-йилларида атиги бир сатр ҳам ижодкордан жасорат талаб қилар эди. Шоиримизга илҳом, куч-қувват берган – жонажон Ўзбекистонга муҳаббат, она халққа меҳр, буюк аждодлардан ифтихор ҳамда болаликдан руҳиятга сингдирилган иймон-эътиқод туйғуси бўлган, албатта. Уларнинг ҳаммасини бир сўзга жамлаш ҳам мумкин – у ҳам бўлса, қалбнинг қаъридаги муқаддас Истиқлол туйғуси эди.

**Абдулла АЪЗАМОВ**

## Журналларни варақлаганда

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

### *2010 йил, декабр сони*

Буюк француз адиби Оноре де Балзакнинг "Шўхчан ҳикоялар", деб номланган туркумидан бир асар — "Чин севги" ҳикоясини рус тилидан атоқли таржимон Қодир Мирмуҳамедов таржимасида ўқийсиз. "Наср" рукнида, шунингдек, Проспер Мерименинг "Коломба" қиссаси давоми берилган. Жек Лондоннинг "Бўри ўғли" ва Александр Купринннинг "Буюртмага биноан" номли ҳикояларини инглиз ва рус тилларидан ёш таржимонлар Гулҳаё Муҳамадалиева ва Нилуфар Ҳайиталиева ўзбекчалаштирган.




"Шеърият минтақалари"да камбоджалик шоир Сар Капун ижоди намуналари билан танишасиз. Шоирнинг "Шеърлар гулдастаси" тўпламидан олинган бир туркум шеърни рус тилидан Файзи Шоҳисмоил таржима қилган. "Шоирларнинг шоири, ҳаётини поэзияга бағишлаганларнинг энг яхшиси", дея таърифланган инглиз мумтоз адабиёти намояндаси Перси Биши Шелли шеърларидан ҳам журналнинг ушбу сонида баҳраманд бўласиз (рус тилидан Ҳумоюн Акбар таржималари).

Тарихимиз ва маънавиятимизнинг мумтоз манбаларидан бири Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихий Рашидий" асаридан (таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова) берилган айрим боблар муштарийларда қизиқиш уйғотиши тайин. Шунингдек, "Китоблар оламида" рукнида эълон қилинган Улуғбек Абдуллаевнинг "Темуршуносликка муносиб ҳисса", Амир Файзулланинг "Ҳиндий тили ҳақида янги тадқиқот" мақолалари, Нодир Норматовнинг "Сеҳрли диёр сарҳадларида" сарлавҳали сафарномаси журнал мундарижасини бойитган. "Литературная газета"да (2010 йил, 27 октябр — 2 ноябр) эълон қилинган Александр Титовнинг "Адабиёт кераксиз бўлиб қолдими?" мақоласида (Мирпўлат Мирзо таржимаси) адабий жараённинг долзарб, баҳсли муаммолари қаламга олинган. Муаллиф: "Нима юз берди? Адабиёт азалдан бормиди ўзи?.. Агар адабиёт чиндан ҳам мавжуд бўлса, нега инсон руҳининг ҳаётий муаммоларидан ўзини четга олди?" сингари саволларга жавоб қилдиради.

Саргузашт, детектив асарлар ишқибозлари Э.Гриффитснинг "Номаълум шерик" романи давомини ўқийдилар.

# ЗАМОН ВА ТАРЖИМА

Бошланиши биринчи саҳифада.

ХХ асрда таржима соҳаларида қилинган ранг-баранг ишлар тарих бўлиб қолди. Бу аср ўзбек таржимонларининг аксарияти бадиий ижодкорлик билан шуғулланувчи адиб, шоир, драматург, журналист таржимонлар эди. ХХ асрнинг бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий бизнинг маърифий-маданий дастуримиз сифатида Ўзбекистон ёшлари тўрт тилни билмаклари лозим. Бу бизнинг дунё замонавий маданияти ва илм-фанини эгаллашимизга, дунёда ўз ўрнимизга эга бўлишимизга, илғор миллатлар қаторидан ўрин олишимизга хизмат қилади, деган ғояни кўтариб чиқди ва бутун куч-ғайрати билан шу олижаноб ғояни амалга оширишга интилди. Бу ғоя ҳамон кун тартибида турибди. ХХ аср маданиятида ёрқин из қолдирган бизнинг адиб ва шоир таржимонларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Сидқий Хондайлиқий, Миркарим Осим, Мирзакалон Исмоилий, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Ваҳоб Рўзметов, Санжар Сиддиқ, Наби ва Абдураҳмон Алимуҳаммедов Беҳбудийнинг идеалига жавоб берадиган тўрт тилли таржимонлар ҳам эдилар. Бу улуғ намояндалар изидан фақат таржима ижоди билан шуғулланувчи Одил Раҳимий, Одил Шаропов, Рустам Абдураҳмонов, Мирзиёд Мирзоидов, Қодир Мирмуҳамедов, Лола Тожиева, Миад Ҳакимов, Йўлдош Шамшаров, Кибриё Қаҳҳорова, Холида Аҳророва сингари қатор-қатор профессионал таржимонлар ҳам етишиб чиқдилар. Улар дунё адабиёти улкан намояндаларининг асарларини билимдонлик билан ўзбек тилига ўгирдилар, ўзбек ўқувчиларининг дунё адабиётларини билиш йўлидаги ташналигини баҳоли имкон қондиришга муяссар бўлдилар.

Биз жуда кам тилга оламиз. Ўтган асрда Ўзбекистонда Шарқ тилларидан ўзбек тилига таржима қилувчи улкан олим, уламо таржимонлар отряди майдонга чиқиб, арабшунос, урдушунос, форсшунос, туркшунос алломалар Убайдулла Каримов, Абдуфаттоҳ Расулов, Абдуқодир Муродов, Содиқ Мирзаев, Абдусодиқ Ирисов, Абдулла Носиров, Шоислом Шомуҳамедов, Асомиддин Ўринбоев, Бўрибой Аҳмедов, Чустий, Хуршид, Анисий, Муинзода, Убайдулла Уватов, Ашраф Аҳмедов сингари фозил таржимонлар асрлар қаърида бизга сирларини очмай ётган Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний, Хайём, Ҳофиз, Саъдий асарлари билан ХХ асрда ўз она тилимизда танишиш имконини бердилар. Уларнинг таржималари юксак маънода илмий тадқиқот даражасига кўтарилди. Биз ўз мумтоз алломаларимизнинг илм ва ғоялар дунёлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдик. Булар ҳар қанча таҳсинга лойиқ, улуғвор таржима ва тадқиқот ишлари эди. Бу авлод файзи ва илму камолидан баҳраманд бўлган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов сингари адабиётимизнинг иқтидорли намояндалари Европанинг мумтоз асарларини шеъриятнинг эъжозий тили ва мафтункор усули билан ўзбек тилига ўгирдилар. Бу асарлар ўзбек тилининг беҳад бойишига, дунё адабиётининг ранг-баранг усулларини ўзлаштиришларига таъсир кўрсатди. Таржима таъсирида инсонга қарашлар ва инсон тасвири маълум даражада янгиланди.

ХХ асрда "Қуръон" ва ҳадисларнинг ўзбек тилига янги таржималари юзага чиқди. Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Олтинхон Тўра, Шамсиддин Бобохонов таржималари тарихий тафсирлар даражасидан анча юксакка кўтарилди ва маънолар таржимаси, деган изоҳ билан нашр этилди. Эътиқодий бўшлиқнинг ўрни тўлгандай бўлди. Шу каби намояндалар ва уларнинг таржималари ХХ аср Ўзбекистон таржимонлик мактабининг асосий хусусиятларини белгилаб бердилар. Улар ўтмиш асарларнинг таржималарига бамисли энциклопедист олимлар каби ёндошдилар. Асарларга кенг миқёсдаги илмий изоҳлар яратдилар. Уларнинг таржималари муҳаббат, фидокорлик, билимдонлик ва масъулиятнинг олий самаралари каби майдонга чиқди. ХХ аср Ўзбекистон маданияти ва илм-фанининг таг заминини фундаментал бойитди ва мустаҳкамлади.

Қодир Мирмуҳамедов дунё адабиётининг шоҳ асарларини ўзбекларга танитишда ҳаммадан ортиқроқ фидокорлик билан тер тўкди. Европа бадиий қалъаларини ўзбек сўзи билан ишғол қилди. Биз маълум бир тарихий ва ижтимоий шароитда дунё адабиёти намуналарини воситали тил орқали таржима қилиб келдик. Воситали тил орқали таржималар ҳам ўзига хос бир мактаб бўлди, тажрибалар тўпланди. Лекин қандай бўлмасин, бунда восита тилнинг ҳиди келиб туради ва бундан асло қутулиб бўлмайди. Бунда аслиятнинг образли дунёси, руҳи, миллий колорити, адиб ёки шоирнинг овози, услубини қайта бино қилишда жиддий қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Лекин буларни охиригача енгиб бўлмайди. Албатта, асарнинг ўзаги ўқувчига етиб боради, аммо аслиятнинг баркамол бадиий хусусиятлари ва ўзига хос колоритини ифодалашда воситачининг йўриғига йўрғалашдан бошқа илож қолмайди. Кейинги ўн йилларда аслиятдан таржима қилишнинг бир қатор ёрқин тажрибалари кўзга ташланяпти. Шоир Шавкат Раҳмон Федерико Гарсия Лоркани аслиятдан таржима қилиш учун бир неча йил вақтини сарфлаб испанчани ўрганди ва романтик шоирни муҳаббат билан ўзбекчалаштирди. Баҳодир Эрматовнинг француз адабиётидан қилаётган таржималари ўзининг гўзал жозибаси билан ажралиб туради. Таниқли шоир Жамол Камол Шекспирнинг бир қатор асарларини инглиз тилидан таржима қилиб, ажойиб самараларга эришди. Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор сингари Шарқ адабиётининг улкан намояндалари асарларини форс тилидан ўзбек тилига муваффақият билан ўгирди. Мирзаали Акбаров немис адабиётидан ва чунончи, Ҳерман Ҳессе асарларини гўзал аниқликда ва эҳтирос билан таржима қилди. Немис тилининг билимдон етук мутахассиси Хуррам Раҳимов немис шоирлари ва шоиралари асарлари намуналарини мафтункор фикр ва ҳиссиёт шалолаларини руҳини сақлаб бизга танитди. Худди шунингдек, Амир Файзуллонинг ҳинд ва урду тилидан амалга ошираётган катта миқёсдаги таржималари, адабиётшунос олим ва муаллим Асил Рашидовнинг Чингиз Айтматов асарларини ўзбекчалаштириши, шоир Мирпўлат Мирзонинг Россия шоирлари асарларини таржима қилиб антологиялар тузаётгани, Бегойим Холбекованинг инглиз шоирларини замонавий ўзбек тилида талқин этишга интилаётгани, турк, форс, араб, хитой, япон адабиётларидан илк аслиятдан таржималар Убайдулла Каримов, Шоислом Шомуҳамедов, Чустий, Чўлпонларнинг бу улуғ майдонларга солган йўллари узилиб қолмаганлигини, қўйилаётган қадамларда янги бир шукуҳ излари муҳрланаётганлигини кўрамиз.

Аммо шуларга қарамасдан ХХ асрнинг салмоқли таржима анъаналарини, таржимашуносликда эса улкан олим Ғайбулла Саломов анъаналарини ХХI асрда ким давом эттиради ва қандай давом эттиради, деган савол ҳозир ҳам кун тартибидан тушган эмас.

Европа ва хусусан Англияда Инжил таржималари муттасил суратда янгиланиб, инглиз тилининг давр хусусиятларига мувофиқлаштириб борилади. Ҳозирги замон кишисининг бу қадим илоҳий матнларни қабул қилиш ва тушуниш қобилияти ва имконияти илмий жиҳатдан ҳисобга олиниб, янги таржималарга замон талаблари нуқтаи назаридан ёндашилади. Таржима жараёни доимий ўзгаришдаги ва доимий янгиланишдаги, доимий изланишдаги жараён.

Анъаналарни ким давом эттиради? Таржима ва таржимашунослик соҳаларига ким новаторлик олиб киради? Кейинги ўн йил ичида Жаҳон тиллари университетининг Таржимонлик факултети бир ярим мингдан ортиқроқ референтлар ва мутахассис таржимонларни етиштирди. Улар Европа, Америка, Россия, Шарқ мамлакатларида халқаро турли ташкилотлар, дипломатик хизматлар, олий ўқув юртларида муваффақият билан иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон давлатининг таржимага тобора ортиб бораётган кундалик эҳтиёжларини қондиришга интилмоқдалар. Университет ўқув базасини кучайтириш учун ранг-баранг дарсликлар, қўлланмалар, луғатлар нашр этишга катта эътибор қаратмоқда. Шавкат Бўтаев ва Аббос Ирисқуловнинг 70 минг сўз, иборани ўз ичига олган инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча салмоқли луғати, А.Исмоилов, Г.Боқиева, О.Мўминов, Н.Қамбаров сингари заҳматкаш олимларнинг дарсликлари талабаларга кечаю кундуз билим эгаллашларида содиқ ҳамроҳ ва мададкор бўлмоқда. Абдузуҳур Абдуазизов сингари жонкуяр олимларнинг Реформатский ва Аракинлар изидан бориб яратган тилшунослик ва фонетикага доир жиддий дарсликлари янги давр талабларига илм хазиналарига кириб боришларида ғоят қўл келмоқда. Бу ерда алоҳида ҳурмат-эътибор билан тилга олиб ўтиш лозимдирки, мукаррам олимимиз Қудратхон Мусаевнинг "Таржима назарияси асослари" дарслиги ва айниқса унинг 240 босма табоқдан иборат уч жилдли инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий терминлари луғати — янги луғатлар ва янги дарсликлар авлодини юзага келтириш йўлидаги чуқур таҳсинга сазовор йирик ишлардир. Аслида ҳамкасбимиз бу луғатини ўн томдан иборат қилиб тузган ва улкан ижодий жасорат кўрсатган эди.

Хорижий тиллар мутахассисларини тайёрлашда ўқув таълим дастурлари ичига янгиланишлар олиб кириш муҳим аҳамият касб этади. ХХ асрнинг олтмишинчи йиллардан эътиборан дунёда културология, семиотика, бизнесология, дипломатия соҳаларини ўрганиш ва таржимонлик фаолиятига уларни тадбиқ этиш актуал масалалар қаторидан мустаҳкам жой олди. Таржимонлик ва таржимашуносликни културология ва семиотика билан чамбарчас боғлаб ўрганиш заруратини таъкидлаётган олимлар ҳам анчагина. Булар бежиз эмас, албатта.

Нима учун таржимонлик факултетининг талабалари семиотика ва културология, дипломатия асосларини чуқур ўрганмасликлари керак? Ахир, бу фанлар уларнинг келажак фаолиятида муваффақиятли иш кўришининг тўғридан-тўғри гарови эмасми? Сир эмаски, таржима жараёнларида биз амалиётчилар психолингвистика, паралингвистика, экстралингвистика сингари лингвистик тармоқларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижаларидан ва тавсияларидан хабардор бўлишини истаймиз. Бусиз дунё адабиётини оригиналга мос савияда таржима қилиш мумкин эмас. Неча юзлаб товушларнинг товланишлари, неча минглаб ранг-баранг ҳаракатларнинг номланишлари, баёнлари, неча-неча имо-ишоралар, ранг-бўйларнинг ўзига хосликларини ҳаққоний таржима этиш учун психолингвистика ёки паралингвистиканинг ютуқлардан фойдаланмай бўладими?

Густав Флобер "Муқаддас Антонийнинг васвасаси" деган ўткир романида бир маликанинг устига илган либосини тасвирлаб, ундаги юз элликдан ортиқ деталнинг номини айтиб чиқади. Жойс, Беккет, Пруст замонавий Англия, Европа, Америка, Шарқ адибларининг асарлари — улкан инсоний-ижтимоий йўналишга эгалиги, айни пайтда улар мислсиз имо-ишоралар, мислсиз хатти-ҳаракатлар, мислсиз оҳанглар, товушлар, шовқинлар, мислсиз кийим-кечаклар, мислсиз эмоционалликларнинг тили билан яратилган. Биз таржимада бу бадиий тасвирдаги мислсизликни ўзлаштиришимизга тўғри келади. Тилимизни шунга ўргатишимиз ва мослаштиргимиз келади. Тил ўзи мислсиз имконият — бунга ҳамма вақт имконият беради. Навоий бу тилнинг имконини ўз замонида хўб топиб айтган эди "Муҳакамат ул-луғатайн"да: "...турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди — оламе назарға келди ўн саккиз минг оламдан ортуқ, анда зебу зийнат; ва сипеҳре табъға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ, анда фазлу рифъат; ва махзане учради — дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ...".

Ҳозирги замон семиотикаси мана шу ўн саккиз минг оламнинг сирини белгили қиламиз, деб жонини жабборга бериб игна билан қудуқ қазийди. Ўн саккиз минг оламнинг ичига бирозгина таржимавий таҳлил билан бир кирсак.

Ўз соҳасида лаёқат билан ишлай оладиган таржимон мутахассислар тайёрланиб ҳаётга йўлланма олаётгани ҳолда бизнинг орзуимиз ва бизнинг идеалимиз бўлган ижодкор таржимонлар кам чиқаётгани ҳаммамизни ўйлантиради. Буни кўпроқ бадиий таржима ишининг ниҳоятда машаққатли жараён эканлигидан кўрамиз. Бунинг устига моддий манфаатдорлик замонида бадиий таржимадан келадиган моддий манфаат жуда оз даражада. У бадиий таржимага сарф қилинган оғир меҳнатнинг ҳажми ва сарф қилинган қимматли вақтларнинг ўрнини қопламайди. Ёшлар эса моддий манфаатдорлик бўлмаган ерга бормайдилар ҳисоб. Зеро, улар ўз қасрларини тиклашлари керак. Фақат маънавий-ижодий, маърифий манфаатларни бошқа ҳамма нарсалардан устун қўювчи нодир энтузиастларгина бу соҳага журъат билан қадам қўядилар. Юртбошимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, "маънавий жасоратга" шундай фидокорлик йўлини танлаган кишиларгина кўпроқ сазовор бўладилар. Маънавий жасоратга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди, лекин у ўлмасдир. Маданият тарихимизда бунинг мисоллари оз эмас.

Нимасини айтайликки, таржима дастлаб жуда осон бир иш бўлиб кўринади. Лекин унинг ҳамма қийинчилиги ичида. Сўз азалдан ёзувчи ва шоиргагина бўйсунади. Таржимон тилда ёзувчига тенг ёзувчи, шоирга тенг шоир бўлгандагина, аслият таржимаси аслиятга тенглашади. Лев Толстойнинг "За что?" деб номланган ўткир ҳикоясини ўқигансиз. XIX асрнинг ўттизинчи йилларидаги поляк озодлик ҳаракати ва уни мустабид Николай Палкин қандай шафқатсизлик билан бостиргани ва бу поляк ёшлари тақдирида қандай адоқсиз фожиаларга сабаб бўлгани ҳикоя қилинади. Асар воқеаларига батафсил тўхталиб ўтирилмаганда ҳам, бугунги мавзуимиз тақозосига кўра, лоақал унинг номи қандай таржима қилинганлигини андак кўриб ўтайлик. Тарихнавис адиб ва таржимон Миркарим Осим асарнинг номи устида кўп фикрлаган ва ниҳоят уни "Гуноҳимиз нима?", деб таржима қилишга қарор қилган. Агар "Гуноҳимиз нима?"ни қайта рус тилига ўгирсак, тамомила бошқача маънодаги жумлалар ҳосил бўлади. Бу ерда Толстойнинг назарича айб ва гуноҳдан ҳам мислсиз каттароқ бир нарса борки, унинг бутун оламшумул азоби "За что?"нинг олдида ва қолгани унинг орқасидадир. Шунинг учун Толстойнинг "За что?"сининг ўзбекчага таржимаси беҳад осон ва шунингдек, беҳад қийин. Шуниси ҳам борки, уни асарнинг контекстидан ажратиб таржима қилиб бўлмайди, фақат асар контекстидагина унинг маъноси очилади. Беш товушдан иборат бу сўзни йигирмадан ортиқ йўлда ўзбекчалаштириш мумкин. Улар ичида "Нега ахир?" деган варианти аслиятга, Толстойнинг кузатган ниятига ҳам маъно, ҳам интонация, ҳам ифодавий мосликда энг мувофиқ вариант бўлиши мумкин. Миркарим Осимнинг юксак адиблик салоҳияти, унинг бехато тил маданиятини ҳисобга олганда, эҳтимол, бу вариантни ҳам назарда тутганлигини тахминлаш мумкин.

Гулдек умри ва орзулари Сибир сургунларида хазон бўлган, ёш болаларидан айрилган, эри ва ўзи мангу бахтсизлик гирдобига ташланган Албина ҳикоя сўнгида "нега ахир?", "нима учун?", деб фарёд чекади. Шу беш ҳарфдан иборат ундовда зулм ва адолатсизликка, инсонни таҳқирлашга қарши поёнсиз бир айбнома янграб ер юзини қоплаб олгандай бўлиб туради. Бундай ҳолларда ўзбек албатта "гуноҳимиз нима?", деб нола чеккан бўларди. Ростданам бу нидо ўзбекча эшитилади, йигирма беш вариант таржима ичида энг мувофиғи каби қабул қилинади. Буни таржимон топган, бу унинг кашфиёти. Фақат Толстой жумласида ўқнинг қарсиллаган фарёди эшитилса, таржимон жумласида эзилган нола эшитилади. Бу маҳкумлик, гирифторликни янада кучайтиради. Агар густоҳлик дейилмаса, Толстой жумласини "Дод!" деб таржима қилиш айни муддао ва айни муодиллик бўлур эди ва бунда Толстойдан кўра ҳам ихчамликка эришиларди. Аммо "Дод!"нинг рус тилига таржимаси йўқ. Уни фақат Толстойчасига "За что?" дебгина таржима қилиш мумкин. Кўряпсизми, бир код ортидан қанчадан-қанча семантик вариантлар келиб чиқади ва улар таҳлилида фақат семиотик таҳлилгина самарали натижаларга олиб боради. Ана энди Навоийга қайтайлик. Навоий туркий тилнинг ички уммонларига чуқур кириб борганда, у кўз ўнгимда "ўн саккиз минг олам" очилди, "тўққиз фалак" намоён бўлди деяркан, бу шоирона таъриф баайни тил ҳодисаларига нисбатан муболаға, бўрттириш эмас, балки тил — азал ҳаёт, азал сир ва азал поёнсизлик эканлигини одамлар тасаввурига келтиради.

Туркий тилларнинг улуғ тармоғи бўлган ўзбек тили Навоийнинг эъжозона таърифидан келиб чиқсак, ҳар қандай таржима ва ҳар қандай ифодага қодирдир. Бу тилнинг ранг-баранг ҳодисалари ҳақида муҳокама юритганда, ҳамма вақт унинг ўн саккиз минг олами ичида турганлигимизни ва тилни тўққиз фалакнинг руҳи бошқаришини унутмасак, тил ҳам ўз оламларини бизга саховат билан очиб боради.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Шаҳло АҲРОРОВА

# УЛУҒ ЙЎЛДА КЕТАЁТГАН КАРВОН БУ



## ИФТИХОР

Тупроғини ўпиб ўсган қалқон эл бу,
Улуғ йўлда кетаётган карвон эл бу,
Жўмард эл бу, вазмин эл бу, полвон эл бу,
Бошда дўппи, белбоғини ечмас Ўзбек,
Жондан кечар, лек Ватандан кечмас Ўзбек!

Ким дунёсин тор билар, ким кенг билади,
Ким камига мутеликни енг билади?
Қай шер ўзин тулкиларга тенг билади?
Шер макон бу, шаънига доғ тўкиб бўлмас,
Шер юракли бу миллатни букиб бўлмас!

Оқиллиги бобосидан мерос қолган,
Ҳурмат қолган, иймон қолган, ихлос қолган,
Пирларининг қўлин олган, дуо олган,
Юртсеварлар ғурурига тегиб бўлмас,
Ихлоси бут бу миллатни эгиб бўлмас.

## ОНА ТУПРОҚ

Мендай суйганингни айтавермайсан,
Лекин мени мендан суясан кўпроқ.
Онам қўлларидай юзимни силаб
Менга нон тутарсан эй, она тупроқ.

Гоҳ сендан узилсам, кўкка кузатиб,
Дарахт бўлиб шарбат тутаверасан.
Ота уйим бўлиб мени узатиб,
Сўнг изимга боқиб кутаверасан.

Соғинчсан, онамни эслаган чоғи,
Отам десам оғриқ санчар кўксимда.
Айттил, бу соғинчнинг борми салмоғи,
Оғриқнинг ўлчови қанча кўксимда?

Нетай, бандаман-да, фаришта эмас,
Гоҳи хоҳлаб қолсам бергандан кўпроқ,
Яна она бўлиб ортимдан бесас
Инсоф сўраб изим ўпасан, тупроқ.

Онамдай жилмайиб боқаверасан,
Дардинг сездирмайсан кўнглингни очиб.
Ўзбексан-да содда, ўзбексан сахий,
Меҳрингдай насибам берасан сочиб.

Малолим келмайин, зарда қилмайин
Ризқим тутаверган ҳотамтойимсан.
Зуваламни сендан қоргани тайин,
Менинг тавоф қилар азиз жойимсан.

## СИЗНИ ЭМАС

Суйган дилга бахт ёт экан, мискин экан,
Суйган дилнинг хаёллари эзгин экан,
Соғинчлари сафо экан, таскин экан,
Шул сафони суйдим асли, сизни эмас...

Тирнайвериб, чап кўксимни ўйди юрак,
Қўй десам ҳам, суйиб-суйиб куйди юрак,
Сизга боқсам бир хўрсиниб қўйди юрак,
Шул жафони суйдим асли, сизни эмас...

Сизни дедим, хаёлимда моҳ яратдим,
Дил қасрига қўйдим сизни — шоҳ яратдим,
Куй яратдим, ўй яратдим, оҳ яратдим,
Оҳ-нидони суйдим асли, сизни эмас...

Сизга ўғирлатмоқ учун ҳушни берган,
Сизнинг нигоҳингиз бирла кўшкни берган,
Юрагимга шул илоҳий ишқни берган
Мен Худони суйдим асли, сизни эмас...

## ЖИЛВАЛАРИ

Кўз учида чўғ солади, кўрдик татиб,
Дилимизга қадамлари ботиб-ботиб,
Ўтаверар юрагимни дукиллатиб,
Кўнгил бўлди ишқ деганнинг кулбалари,
Ҳушим олди шул боланинг жилвалари.

Севдим демас, гап учирар, сўзи бўлак,
Қиёлатиб боқиб ўтар — кўзи бўлак.
Нима қилай, ҳаммадан ҳам ўзи бўлак!
Қайси гулга бўй беради боғчалари,
Куйдиради шул боланинг доғчалари.

Парвоси йўқ муҳаббатнинг ноласига,
Раҳм айламас ҳеч бировнинг боласига.
Боғлаб қўйиб сочларимнинг толасига
Хаёлини олиб қўяй кечалари,
Атримизга тўлиб кетсин кўчалари.

Ўтаверар қошларини қаролатиб,
Ўйларимга шубҳаларни аролатиб,
Не қиларди дил қушини яролатиб?
Кўнгил бўлди муҳаббатнинг кулбалари,
Ақлим олди шул боланинг жилвалари...

Ўроз ҲАЙДАР

# СЕВГИЛИМДАЙ СУЮКЛИ ДИЁР

## ЮРТ

Тупроғимиз лой ё тошданми,
Саркашмизми ё мўмин-қобил,
Чиройимиз сочу қошданми,
Қарар бизга бир кўзда одил.

Юрагини титратар бир дам
Қувонч ёки нолаларимиз.
Чунки бизлар унинг-чун мудом
Бир онанинг болаларимиз.



## СОҒИНЧ

Чапак чалур бағрингда очун,
Кўзларимда юм-юм йиғлар қор.
Сиғдиролмай ичга қувончин
Ҳув сойларда ҳайқирар Баҳор.

Энтиктирар бир ширин титроқ,
Сакраб-сакраб ҳайқиргим келар,
Ўт-ўландай чирмашиб, бироқ
Оёғимга ўралур еллар.

Ҳансирайди ҳадсиз кенгликлар,
Бағрида-чи оқ туман сузар.
Тамшанади гўдак куртаклар,
Новдаларнинг уйқусин бузар.

Кел, қучайин ташнаҳол тўйиб,
Севгилимдай суюкли диёр.
Юбормасман мен сени қўйиб,
Меникисан, йиғлама, Баҳор.

## ЎН САККИЗ ЁШ

Сокин титроқ ичра пичирлайсан, Ой,
Қиз бўйи таралар олтин сочингдан.
Кўл узра жимирлар совқотган чирой,
Муздай сув қуйдими биров бошингдан.

Қайга йўртаяпсиз, ҳей оқсоч йўллар,
Оппоқ алангадан оқ пўпак танғиб.
Қайгадир бош олиб кетса-да гуллар
Оқшомдан гул ҳиди турибди анқиб.

Терак шивиридан силкинади тун,
Дарёдек ҳайқирар оппоқ сукунат.
Тоғлар бўй-бастини кўрсатмас нечун,
Кичрайиб қолдими ё ютиб ҳайрат.

Ахир, севиб қолдим!..
Кел, етакла, Ой,
Йўллар, у томонга элтингиз тезроқ.
Бунча қиқирлайсан кулгунгга, гулой,
Терак шивиридан соламан қулоқ.

Олтин томчи бўлиб ёғар кўз ёшим,
Ердан гўдак иси келар, ё раббим.
Болам, эшикни оч, ўн саккиз ёшим
Остонада турар бегона каби.

Бормисан, ҳей менинг туғишган фаслим,
Бағримга киракол, нурдан туғилгин.
Бир нуқтада жамдир ҳамонки аслим,
Ишқ ояти бўлиб нурга йўғрилгин.

## ЭСКИ ЧИРОҚ ҚЎШИҒИ

Биз ёнсак, ёруғдир қоронғулик ҳам —
Биз йўлга чиқдикми зиё намоён.
Зулматни қувмоқлик бизга вазифа
Ер юзида пайдо бўлгандан буён.

Шоҳ-гадо кўтарди пилигимизни,
Ёнмасак, жеркинди, ёнсак-чи суйди.
Баъзан тилимизни чироқбон кесди,
Ёққанида яна тилимиз куйди.

## ҲАЁТ

— У қизни исмини тилингга олма,
— Сен тилингга олма, менга қаллиқ у.
— Тирранча, не дединг ҳали уялмай,
Ўлсам ўламанки, бермайман уни.

— У мени севади,
— Мени севади!
Ана ур-тўполон, икки ўспирин,
Бир-бирин тепкилаб муштлашар узоқ.
Кўйлаги йиртилган, қонаган бурун,
Ҳеч бири аҳдидан қайтмади бироқ.

Тўпиғи ёрилди биринчисининг,
Иккинчиси инграр қўли қайрилиб.
Бир қизнинг ишқида икки ўспирин
Жўнар икки ёнга буткул айрилиб.

Қиз-чи, ҳужрасида дунё бехабар,
Ошиқлар изҳорин эшитмай бир бор,
Севган йигитига битар эди хат:
"Сиз борки, мен учун бордир муҳаббат".

Ҳикоя




Уч кун муқаддам Кўкёлнинг арлони овга чиқиб кетиб, қайтмади. Она Кўкёл уни қидириб дарага тушди. Ҳали қияламасидан хушбичим тумшуғини осмонга кўтариб улиди. Лекин арлон овоз бермади. Фақат осмонга туташиб кетган чўққилардан ўз товушига акссадо қайтди, холос. У яна қиялади. Хатарсиз деб билган жойлардан мўралаб тоғ этагидаги, тепадан бир ҳовуч бўлиб кўринган қишлоққа мўралади. Чўзиб-чўзиб улиди. Бу сафар унинг овозига жавоб қайтди. Фақат арлондан эмас, қишлоқнинг чўпон итларидан. Улар гала-гала бўлиб ҳуришди. Демак, ортга қайтиш керак. Кўкёл болалаганидан сўнг ҳали тўла кучга кирмаган, югурганда шамолни ортда қолдирадиган оёқларида мажол етарли эмас. У бошини қуйи солганча, секин ортга тисарилди. Ҳар замонда юраги қандайдир нохушликни сезгандай юришдан тўхтаб, қулоқларини диккайтирганча атрофга қулоқ соладди. Чўпон итларининг ҳалиям тинмаган акиллаши уни хавотирга соларди. У ниҳоят итлар яқинлашиб қолганини сезди-да, қаршисидаги қоя томон югурди. Тик қояга кўтарилгунча неча марта думалаб, яна юқорига интилиб, ниҳоят тепага чиқиб олди. У қоя устида туриб, тоғнинг қишлоққа қараб қиялаган ёнбағрига кўзларини қадади.

Хавотири бежиз эмас экан. Беш-олтита чўпон ити югуриб келарди. Шу пайт қулоқлари тагидан нимадир визиллаб учиб ўтди ва узоқларда қарсиллаган таниш товуш эшитилди. Бу овозни у болалигида, онасидан ажралган куни эшитганди. Овчилар! Лекин улар қаерда? Она бўри вазиятни англаб улгурмай, ўқ овози яна икки-уч бор қарсиллади. Кўкёл энди ортга қарамай югурди. Узун, пайдор оёқлари тошдан тошга сакраётганда, қор учқунлари тўрт томонга сочилиб кетарди. Малларанг қорачиқлари олис чўққилардан бошқа нарсани кўрмасди.

У энди қоя тошлар ортига ўтаман деганда, орқа оёғи жазиллаб кетди, ўзини ўнглаёлмай боши билан қулади. Панжалари орасидан сизиб чиқаётган қон оппоқ қорни бўяди. Бўри жароҳатига эътибор бермай, оқсоқланиб югурди. Кўкёлнинг тўхташга ҳаққи йўқ, тўхташ ўлим дегани. Бўри буни билар, лекин у болалари томонга эмас, боши оққан ёққа қараб югурарди.

Қаёққа боради, қаерга бекинади, буни ўзи ҳам билмайди. Охири, совуқдан қизариб кетган тилини осилтириб, қалин қор устига чўзилди. Итлардан қочиб қутилгани учун эмас, мажоли қолмаганидан шундай қилди. Панжалари орасидан оққан қон совуқда лахта-лахта бўлиб музлади. Она бўри ожизгина инграганча ҳушидан кетди.

У кўзини очганда атрофга тун чўккан, осмоннинг пар ёстиғи сўкилгандай майдалаб қор ёғарди. Кўкёл оқсоқланганча инига йўл олди. Ин атрофида тентираб юрган бўривачалар Кўкёлни кўришлари билан унинг оёқларига суйкалиб ғингший бошлашди. Она бўри уларга эътибор ҳам бермай, инига кириб чўзилди. Олд оёқларини чалиштириб, бошини тик кўтарганча кўзларини юмди.

Шу алпозда уч кун ўтди. Бўривачалар энди овқат сўраб ғингшимас, овоз чиқаришга ҳам мажоллари етмай, Кўкёлнинг пинжига тиқилиб мудрашади.

Она бўри қулоқларини диккайтириб, бир муддат атрофга разм солди, нимадандир сесканганидан жунлари ҳурпайиб кетди. Секин ўрнидан туриб, ташқари чиқди. Ёнбағирда бир сурув қўй ёйилиб юрар, қор остидан энди қулоқ чиқара бошлаган ўт-ўланларни чимдишарди. Қўйларга термуларкан, ҳовур кўтарилиб турган сўлаги қор устига томди. Қорни шу қадар очиққанки, шу топда бир ўзи иккита қўйни ғажиб ташлашга тайёр эди. Аммо эҳтиёт бўлиши керак, қўйлар атрофида чўпон ва итлар бор. Қолаверса, Кўкёл бу аҳволида ҳужум ҳам қилолмайди. Бўри бошини эгиб, ортига қайтди.

Онаси ортидан эргашган бўривачалар ковак оғзида унга мўлтираб туришарди. Кўкёл уларнинг жовдираган кўзларига бардош беролмай ортга тисарилди. Энди танлаш имкони йўқ, таваккал қилади.

Кўкёл пусиб қўйлар томон йўналди. Бир харсангни паналаб, қулай фурсатни кутди. Масофани, тезликни, ҳатто, ташланадиган қўйини ҳам мўлжалга олди-ю, аммо ортидан ёнбағирликка пастлаб келган битта боласини сезмай қолди. Ниҳоят у кутган фурсат етди, бир нечта қўй сурувдан ажраб, Кўкёл пусиб турган харсанглар томон юрди. Айнан шуни истаган бўри тошлар ортидан ўқдек отилиб чиқди. Ҳуркиб кетган қўйлар маъраганча ҳар томонга қочди. Оқсоқ бўри тиғдек ўткир тишларини ўзи қувиб етган қўйининг бўғзига солди. Жонивор ожизгина хириллаб, жонҳолатда типирчиларди. Лекин шу ожиз типирчилаш ҳам бўрини ҳолдан тойдирди. Ниҳоят, ўлжа тинчиб қолди. Аммо шу аснода итлар овози эшитилди. Шошилиш керак. Иссиқ қон таъми бўри танасига куч ато этди. У апил-тапил қўйини ёриб ташлаб, катта бир гўшт бўлагини юлқиб олди-да, тепага ўрлади. Сирпанчиқ қорда амаллаб дўнгликка етди. Энди бу ёғига қочиб қутулиш мумкин. Шамолдай елиб кетаётган бўри бирдан тўхтади. Ўлжани ерга ташлаб ортига юрди. Сабаби, пастликда бўривачаси чийилларди. У бир ёнбағирга, бир қипқизил гўштга қаради. У ёқда овқатга илҳақ болалари, пастликда эса... Кўкёл икки ўт орасида қолди. Боласини қутқаришга кечиккан, яна озгина иккиланса ўзи ҳам ўлжага айланади. Бўри ердаги гўштни тишлаб, харсанглар томонга, осмонга туташиб кетган тизмаларга қараб югурганча кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Қоп оғзи танғиб боғланган экан, Сайид чўпон очишга кўп уринди. Юзлари қизариб, қўллари совуқдан тарашадай қотиб қолди. Қоп ичида ғингшиб, чийиллаётган бўривачча уни баттар тутоқтирди. У қопни даст кўтарди-да, ерга зарб билан урди. Бу ҳам етмагандай зарб билан тепиб юборди.

Қоп икки-уч одим нарига учиб кетди. Бўривачча бир пас жимиб қолди-да, яна ожиз ғингший бошлади.

— Энағар бўривачча, — сўкинди чўпон, — ёмон қутурдиларинг, тап тортмай кундузи ҳужум қилганини-чи буларни. Ҳаммангни битта қўймай қонингни ичаман.

У ёнидан пичоғини чиқариб, қопни ёрди. Тепки зўридан ўзига келолмаётган бўривачча ҳамон инграрди.

— Ўчир овозингни, падарлаънат,— дея бақирганча чўпон бўривачанинг бўйнидан бўғиб, қопдан чиқариб олди. Мушукдай келадиган бўривачча чўпоннинг бақувват кафтлари орасида кўмак истаб оёқларини қимирлатар, лекин унга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ эди. Нафаси тиқилганидан, ғингшишга ҳам кучи етмай, оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади.

Тўсатдан чўпон бўривачани осмонга кўтарди. У қалин ёққан қорни ғарч-ғурч босганча, гўё бўривачага бутун борлиқни томоша қилдираётгандай, у ёқдан бу ёққа бориб-келарди. Унинг нима қилаётганини на жияни Эргаш на ўғли Шерзод ва на икки чўпон тушунарди.

— Кўкёл, Кўкёл, қаердасан, қанжиқ?— тўсатдан Сайид чўпон бақира бошлади. — Биламан, сен яқин орадасан, болангни қандай азоблаб роҳатланаётганимни кўриб турибсан. Ҳозир бўривачангнинг қонини тўкаман. Ўшанда кўраман типирчилаб қолишингни. Мен сени омон қўймайман. Тишларингни битталаб уриб синдираман. Терингни шиламан. Қолган болаларинг ҳам манавини кўйига тушади.

У бўривачани бир қўлига олиб, янада баланд кўтарди.

— Кўриб қўй болангни. Уни ҳозир шундай қичқиртираманки, ноласидан қулоғинг қоматга келади. Очкўзлигингни деб унинг шу ҳолга тушгани умрбод ёдингдан чиқмай...

Чўпон нимадандир сесканиб, гапини охиригача айтолмади. Бармоғини ғажий бошлаган бўривачани бор кучи билан улоқтириб юборди.

— Ярамас! — У резин этикларида катта-катта одимлаганча, хезланиб бўривачанинг ёнига борди. Унинг қорга беланган кўкиш юнгларидан чанғаллаб, оёқлари томон тортди. Шу пайт унинг иккинчи қўлида нимадир ялтираб кўринди. Пичоқ! У бўривачанинг қўлга илинар-илинмас қулоқчаларидан тортиб, бошчасини кўтарди ва бўйнига тиғ тортиб юборди...

— Бўлди, сурувни ҳайданглар, уйга қайтамиз, — деди ёнидагиларга Сайид чўпон.

Эргашнинг ёшлари кўзига қалқмади, бўғзидаёқ муз қотди. Энди совий бошлаган бўривачанинг танасига бир қараб қўйиб, бошқаларга эргашди.

— Бекор қилибсан,— деди воқеадан хабар топган Ҳикмат ота ўғли Сайид чўпонга. — Энди Кўкёл сени тинчитмайди. Қандай қилиб бўлмасин хун олади.

Сайид чўпон отасининг гапларига эътиборсиз қўл силтади.

— Арлони қопқонга тушган, бир ўзи ҳеч нарса қилолмайди.

* * *

Тонг қоронғусида Саид чўпоннинг бақиргани эшитилди.

— Шерзод, ҳой Шерзод! Ҳалиям ухлаяпсанми, ярамас?

Эргаш чўчиб кўзини очди. Шовқиндан момоси ҳам уйғониб, чолини турткилади.

— Ҳай, туринг, отаси, ўғлингиз боласини бир нарса қилиб қўймасин.

—Бу итфелга яна нима бўлди? — дея чол ташқарига чиқди.

Изидан Хосият хола ҳам бир қўлида ҳассаси, бирида чойгум билан эргашди. Улар чиқишгач, Эргаш деразадан ташқарига мўралади.

— Нима бўлди, ўғлим? — деди Ҳикмат бобо ўғлига яқинлашиб. — Азондан болалaрингни қақшатаяпсан?

Қўрққанидан юпун кийиниб югуриб чиққан Шерзодни бўралаб сўкаётган чўпон овозини бироз пастлатди:

— Ота, сиз аралашманг. Шуларнинг касрига бўрилар еттита қўйни ёриб кетибди.

—Шунга ўғлинг айбдорми?

Отасининг хотиржамлигидан Сайиднинг жаҳли чиқди.

— Агар булар нас босмай ҳушёр ётганида биларди-ла. Кейин ўғлига ўдағайлади.

— Бор, устингга бирор нарса илиб чиқ. Серрайиб турма олдимда.

Сўнгра у чолга яқинлашиб, паст овозда нимадир деди. Эргаш унинг гапини эшитолмади, аммо бобоси асабийлашиб ҳассасини ерга қаттиқ урганини кўрди.

— Ҳадеб болани турткилайверма, — чойгумга қор тўлдираётган Хосият хола гапга аралашди. – Мен ярим оқшом ташқарига чиққанимдаям Шерзод қўйхонадан хабар олиб қайтаётганди. Ярим соатга кўзи илинган-да. Бу қирилгур бўрилар ҳам шу пайтни пойлаган.

—Тоғдаги ҳамма бўрини қириш керак. Буларнинг дастидан чорвага кун йўқ.

Чойгумни қорга тўлдирган момо уйга қайтаркан, серрайиб қолган чолига сўз қотди.

— Тураверасизми совуқда. Бўлганича бўлди. Ичкарига киринг.

Улар келаётганини кўриб, Эргаш кўрпага ўранди. Шунда қўли ёнида ётган синглисининг муздай билагига тегиб кетди. Унинг усти очилиб, совқотиб қолганини бола энди сезди. Синглисини кўрпага яхшилаб ўраб, озғин бармоқларини куҳ-куҳлаб исита бошлади. Қизча бир тамшанди-да, яна тинчиб қолди.

Бу орада нам тортиб шишиб қолган эшик ғийқиллаб очилиб, Хосият хола, изидан чоли кириб келди.

—Уй совиб кетибди, тезроқ печкани ёқ. Ҳикмат ота оғир хўрсиниб жойига чўзилди.

— Кўклам келсаям, кун исий демайди. На кун чиқади, на қор эрийди, — ҳўл ўтинни туташтиролмаётган кампир минғирлади.

Уйни қоплаган ачимсиқ тутундан боланинг кўзлари ачишди.

— Нимага индамайсиз, чол? — деди ниҳоят, тапписи, туташган хола.

— Э, нима дей. Қийин-қийин шу икки гўдакка қийин бўлди.

—Нимага ундай дейсиз? Ота-онаси ташлаб кетган бўлса биз бормиз-ку.

—Бизниям боғлаб қўймаган. Бир куни кетсак аҳволи нима кечади?

– Нимага бирдан бу ҳақда ўйлаб қолдингиз, чол?

—Бўри ғажиган қўйларнинг бештаси Эргашники экан.

Бобосининг бу гапини эшитиб, боланинг эти музлаб кетди. Унинг атиги олтита қўйи бор эди. Демак, биттаси қопти. Бултур қўйларини боққани ҳақига амакиси учта қўзича берганди. Энди кўпая бошлаганида бўри еб кетса-я! Бола уларни кўпайтириб бир сурув қилмоқчи эди. Кейин сотиб, пулига синглиси Рухсорни даволатмоқчи эди. Бу ниятини бобоси ҳам билар, шунинг учун ҳам куюнаяпти. Ўзи истамаса-да, боланинг кўзларига ёш қалқди. Йўқ, у йиғламади, кўзлари ёшланди, холос.

— Худо жазосини берсин ўша очкўзларни. Шунча қўй ичидан етимчанинг насибасини ейсанлармми? Жувормак бўлгурлар.

Момо дийдиёсини бошлаб бўриларни қарғай кетди.

— Жим бўл. Аввалроқ арлонни қопқонга туширишиб кетишган экан. Кўкёл ҳам нима қилсин. Уям она, болаларининг кўз олдида очдан ўлишига чидолмаган.

— Болалариям, ўзиям қирилиб битсин.

— Бўлди қил. Печканг ёнган бўлса, ётиб дамингни ол.



Хола нималардир деб яна бироз ғудранди-да, ўрнига келиб ётди ва кўп ўтмай хуррак отиб ухлаб қолди.

Боланинг кўзига уйқу илинмади. Озғин бармоқларини кафтлари орасига олиб иситиб ётаркан, синглисига жуда раҳми келди. У туғилганидан буён юролмайди. Биров ташқарига кўтариб олиб чиқади, кўтариб олиб киради. Рухсор учун боқаётган қўйларини ҳам бўри еди. Энди нима қилади... Бола гўё бор-будидан айрилган одамдай тушкунликка тушиб қолди.

Эрталаб оила дастурхон бошида жам бўлди, лекин ҳеч кимнинг кайфияти йўқ.

— Ота, Даврон темирчи қафас ясаб бермоқчи, — деди Сайид чўпон жимликни бузиб. — Қўранинг ичида бўрига қопқон қўймоқчиман. Улар бир мазасини олишди, энди яна келади.

Ҳикмат ота чой ҳўплаб турган пиёласидан кўзини узмай деди.

— Хато сендан ўтди, бўривачани ўлдирмаслигинг керак эди. Она бўрининг кўзи қонга тўлган. Қўлга туширишинг қийин...

— Бўлмаса, ҳаммасини ғажиб кетаверсинми?

— Билмадим, ўзинг тўғри деб ўйлаганингни қил. Фақат эҳтиёт бўл.

Кун бўйи қўйхонада уста ишлади, қафас ясади. Усталар қўйхона теварагини тикан сим ва пичан билан ўраб чиқишди. Озгина кириш жойи қолдириб, унинг тўғрисига қафасни ўрнатишди. Эргаш катталарнинг нима қилаётганига тушунмасди. Лекин амакисининг важоҳатини кўриб, она Кўкёлнинг яқинда қўлга тушишини биларди. Қанийди! Яхши бўларди. Ахир йил бўйи боққан қўйларини бир кунда бўғизлаб кетишди. Боланинг ҳали нафрат нималигини билмайдиган жажжи юрагида она бўрига нисбатан исён пайдо бўлганди.

Амакиси ва Шерзод туни билан галмагалдан пойлоқчилик қилишди. Тиқ этган товуш эшитилса, югуриб боришади. Лекин ўша тун ҳам, кейинги тунларда ҳам она бўридан дарак бўлмади.

— У энди қайтмаса керак,— деди Сайид чўпон совуқдан тиришиб, қўра эшиги яқинида қоровуллик қилаётган ўғлига қараб. — Кириб ухла. Мен ҳам бироз туриб, кейин ётаман. Бу лаънати энди бўш келмаслигимизни билади.

Шерзоддан кейин чўпон ҳам дарров ичкарига кириб кетди. Бироз ўтиб уйларнинг чироғи ўчди. Кафтдеккина қишлоқ поёнсиз тизмалар бағрида мудрарди. Эргашнинг кўнгли ғаш, нимагалигини билмайди. Уни қандайдир тушуниксиз ваҳима босарди. Қоронғи хонада, пастқам шифтга термилиб ётибди. Борлиқни туннинг рутубатли сукунати қоплаган. Ҳали ёниб битмаган печкадаги тараша ҳар замонда чарсиллаб, учқун сачратади. Учқунлар бир муддат печка тирқишидан атрофга ёруғлик таратиб ўтади. Бир маҳал ташқаридан ниманингдир ожиз инграган овози эшитилди. Бола унинг нима эканини англолмади. Нафас ютиб, қулоқ тутди. Инграш яна эшитилди. Бола энди жим ётолмади. Секин туриб ташқарига чиқди. Овоз қўйхона томондан келарди. Тунда ташқарига чиқишга қўрқарди, лекин ҳозир негадир қўрқмади. Эргаш қўра эшигидан секин ичкарига кирди. Ҳуркиб кетган қўйлар бир бурчакда ғуж бўлиб туришарди. Бола қафас қўйилган томонга юрди. Қафасда нимадир типирчилаб, инграр, ўзини тарсиллатиб қафас четларига урарди. Бола кўзларига ишонмади. Она Кўкёл қафасда эди! Энди ундан ўч олиш мумкин. Бу фикр болакайнинг миясига кейинроқ келди. Аввалига у бироз карахт бўлиб қолди. Бориб амакисига хабар бериш учун ортга тисарилди. Лекин қўрадан чиқмай туриб, ортига қайтди. Негалигини ўзи ҳам билмайди. Бўри чўғдек ловуллаб ёниб турган кўзларини Эргашга қадади. Унинг нигоҳи шу қадар ўткир эдики, бола беихтиёр кўзларини олиб қочди. Бўри унга мўлтирамади, нажот истаб ғингшимади ҳам, фақат тикилди, ҳар бир ҳаракатини кузатиб тикилди. Эргаш довдираб қолди. У биринчи марта тоғлар ҳукмдори она Кўкёл билан рўбарў турибди. Хўш, энди нима қилсин? Ундан қўйлари учун ўч олсинми, ёки...

Эргашнинг юраги ақли измидан чиқиб кетди. Нима қилаётганини ўзи ҳам идрок этмай қафаснинг оғир эшигини тепага кўтара бошлади. Бўри сиғадиган жой очилди. Кўкёл қафасдан отилиб чиқди. Кўзларини ўқдек қадаб болага яқинлашди. Шунчалар яқин келдики, бола бўрининг нафасини ҳис қилди. Боя нигоҳларига бардош беролмаган кўзлари бу сафар тик боқди. Аммо бўрининг малла қорачиқларида ғазаб ёки нафратни кўрмади, уларда одам тушунолмайдиган нимадир бор эди. Бу тўқнашув саноқли лаҳзада тугади. Бўри қора кўланкага айланиб, бир сакраш билан девордан ошиб ўтди. Хатар йўқ, лекин нимагадир болани энди қўрқув босди. У анча вақтгача қотиб туриб қолди.

* * *

Тун ярмидан оққанда бўри чўчиб сергак тортди. Тўрт томондан гумбурлаган товуш келарди. Гўё чўққилардан тош кўчаётгандек. У болаларини туртиб уясидан олиб чиқди. Бирбирига уланиб кетган баланд тизмалардан оппоқ қуюн пастликка бостириб келарди. Кўкёл бундай ҳодисани арлони билан янги жуфтлашган пайтлари кўрганди. Ўшанда иккиси ҳам кучга тўлган, ғайрати танасига сиғмасди. Улар қор кўчкисидан қувлашмачоқ ўйнаётгандек югуриб қутилишган. Ҳозир эса бир-биридан ожиз икки боласи билан нима қилсин? Кўчки қуюн каби бостириб келарди. Ягона йўл — қочиш. Лекин у икки боласини бир йўла олиб қочолмайди. Она бўри вақтни бой бермай, болаларининг бирини тишладида, пастликка отилди. Ортидан югурган боласи эса сал фурсатда кўчки остида кетди.

Кўкёл жонҳолатда югуриб, қор кўчкисидан қутилгач, мадори қуриб қорга чўзилди. Онасининг тишлари ботганидан, кураклари яраланиб, қон сизиб қолган бўривачча ҳам қилт этмасди. Тонгда яна уйғонадими-йўқми, балки, тириклик шарбатидан яна тотишар, балки йўқ, энди она-болага барибир. Улар ўзларини унутиб, ухлашади.

* * *

Сайид чўпон бўрини қафасдан Эргаш қўйиб юборганини билмади, унинг темир қафасдан ҳам қутилиб чиқиб кетганига қойил қолди. Шундан кейин болакай амакиси Кўкёлни энди тинч қўяди, деб ўйлаганди. Лекин у ўйлаганидай бўлмади. Амакиси ҳамон бўрини қўлга тушириш ишқида ёнарди. Боланинг эса амакиси қазиб, устига шох-шабба ташлаб қўйган чуқурга Кўкёлнинг яқинлашмаслигини худодан сўрашдан ўзга чораси қолмади.

Катта чўққи томондаги яйлов қор остида қолгани учун, бугун чорвани бошқа яйловга ҳайдашди. Тўғри, яйловларда ҳали ўт кўкламаган. Улар чорванинг оёғи ёзилиши ва намда юмшаб турган эски ўтларнинг хасхашакларини эрмак қилиши учун олиб чиқишди. Эрталабдан ҳаво бироз илиган, кўклам иси келаётганди. Тушга яқин Сайид чўпонга хабар етказишди. Кўкёл ўрага тушибди!

Сайид чўпон югуриб отига минди ва от устида туриб жиянини чақирди.

— Эргаш, сен ҳам мингаш, қўйларингни еб кетган бўрининг аҳволини кўрасан.

Борай деса Кўкёлнинг аҳволини кўришга юраги чидамайди. Бормай деса, қизиқяпти. Бироз иккиланиб тургач, у амакисининг отига мингашди.

Етиб келганларида ўра теварги одамга тўла эди. Улар узун таёқлар билан ўрадаги ваҳимадан ўзини ҳар томонга уриб, ириллаётган бўрини турткилашарди. Кимдир она бўрининг панасида турган боласига ишора қилди.

— Қаранглар, ёнида бўривачаси ҳам бор экан.

— Сайид ака, Кўкёлни нима қиламиз?

— Уни тириклай қўлга туширамиз. Қийнаб ўлдирмоқчиман. Қўйхонадаги қафасни олиб келиб, унга бўрини соламиз.

Қафас ўра бошига келтирилди. Кўкёл эса тақдирга тан бергандай жим. У инграниб боласини яларди. Демак, ҳаммаси тамом. У ортиқ курашмайди, курашиш учун имкони ҳам қолмаган. Бола бу ҳолга ортиқ қараб туролмади. Энди йўлга тушганида, қопқон ёнидаги одамлар бараварига қий-чув кўтаришди. Улар нимадандир қаттиқ чўчиб кетишганди. Эргаш ортга қайтди. Не кўз билан кўрсинки, она бўри ўз боласини ғажирди. Ҳимоясиз бўривачча инграр, пичоқдек ўткир тишлардан қутулишга уринарди. Кимдир қутирган бўрини отиб ташламоқчи бўлди. Аммо Сайид чўпон йўл қўймади. У даҳшатли манзарани жимгина кузатди. Бўривачанинг қаршилиги кўпга чўзилмади, у тинчиб қолди.

— Ё тавбангдан! Жуда ваҳший экан-ку! — деди кимдир.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Кўкёл тепага қараб отилди. Ва ҳаммани танг қолдириб бир зумда кўздан йўқолди. Бўрига қойил қолган Сайид чўпон уни таъқиб қилмади.

Шу воқеадан сўнг Кўкёл бу атрофда бошқа кўринмади. Лекин Ҳикмат ота унинг қасос олиш учун, албатта, қайтишини, ундан эҳтиёт бўлишини ўғлига бот-бот тайинлар эди. Сайид чўпон ҳам олдингидай бепарво қўл силтамас, ўзи ҳам хавотирда эканини яширмасди.

Ёз туни. Атроф ойдин. Бугун сурув бошида Эргаш амакиси билан қолган. Лекин негадир иккисининг ҳам кўзига уйқу келмасди.

— Кўкёл нима қиляпти экан?

Тўсатдан сукунатни амакиси бузди.

— Билмадим.

— Шу кунларда тушимга кўп киряпти.

Бола индамади, амакиси ҳам бошқа гапирмади.

Тун ярмидан оққач, қўйлардан хабар олгани қўрадан ташқарига чиқишди. Тўсатдан итлар бараварига ҳура бошлади. Сайид чўпон итлар ҳураётган тарафга қараб югурди. Жияни эргашди. Не кўз билан кўрсинки, итларни ортда қолдириб, улар томон она бўри югуриб келарди. Бола ҳам Кўкёлни бир кўришдаёқ таниди.

— Кўкёл-ку! Ҳа, шунинг учун тушимга кираётган экан-да,— деди Сайид чўпон милтиғини бўрига тўғрилар экан. Тоғларни ларзага келтириб, ўқ товуши қарсиллади. Ўққа учган бўри уч-тўрт марта умбалоқ ошди-да, тинчиб қолди. Чўпон қўрқув аралаш унга яқинлаб борди. Ва... ғафлатда қолди. Она бўри бирдан унга ташланди-да, бўғзига оғиз солди. Амакисининг ваҳимали бақиришидан бола даҳшатга тушиб қотиб қолди. Кейин бўри унга яқинлашди. Бола кўзлари бўри нигоҳлари билан яна тўқнашди. Бир вақтлар ҳис қилган бўри нафасини яна туйди. "Тамом бўлдим" деб ўйлади ўзича. Лекин бўри болага тегмади. Унинг ёнида турганча бирикки бемажол улиди-да, кейин шундоқ оёғи остига гурсиллаб қулади...

Бўри бугун ҳамма нарса учун мотам тутган эди. Арлони, болалари ва ўзи учун ҳам. Бола бир вақтлар унинг ҳақиқий она эканини билганди, ҳозир эса у бошқалар айтгандай қонхўр эмаслигини ҳам тушунди.

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. Тел.: 234-85-99, 233-67-98

20 Санъатимиз фидойилари

# РАНГЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

***Рустам Худойберганов таниқли рассом, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти маҳобатли рангтасвир кафедраси профессори. Рассом кўп йиллардан бери Тошкентда яшаса ҳам, асли Хоразмнинг олис қишлоғидан. Гарчи ота-онаси тасвирий санъатга тушунмаса-да, фарзандининг расм чизишига қаршилик қилишмади. Уларнинг мусиқа ва рақс санъатига ихлослари баланд эди. Юқори Дўрмон қишлоғи Амударё қирғоқларига яқин. Рассомнинг болаликдаги илк ижоди беш-олти ёшларида ана шу дарё бўйларида бошланган, у хаёлларга шўнғиганча текис қумларга расм чизишни машқ қилиб улғайган.***



Саккиз ёшида акаси унга Ҳамид Олимжоннинг "Ойгул ва Бахтиёр" эртагини совға қилди. Рустам китобни бир неча марта ўқиб ёдлаб олди, ундаги расмлар махлиё қилиб қўйди. Энг биринчи тақдим этилган нарсалар ҳеч қачон боланинг эсидан чиқмайди. "Катта бўлсам, деҳқонлар меҳнатини енгиллаштирадиган машиналар ярmatch!, деб орзу қилардим. Шунинг учун ҳамма фанлардан яхши ўқишга тиришардим. Сурат чиза бошлашимга ҳам ўша орзулар сабаб бўлган", — дейди у.

Мактабни битириб, Тошкентга келган Рустам ҳеч қаерга ҳужжат топшира олмай, Хоразмга қайтиб кетди. Тушкунликка тушмай, кема ҳайдовчи, радист, моторист-матрос бўлиб ишлади. Бўш вақтларида расм чизишни давом эттириб, ўқишга тайёргарлик кўра бошлади. Амударё бўйлаб Чоржўйдан то Мўйноққача дарёда сузиб, унинг гўзаллигига шайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси унинг айрим асарларига у ёки-бу тарзда кўчиб кирди.

1965 йили иккинчи бор Тошкентга келди. Бу сафар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида янги очилган бадиий графика бўлимига ҳужжат топширди, имтиҳонлардан ҳам муваффақиятли ўтади. Беш йиллик таҳсилдан кейин "Лола сайли" картинаси диплом ҳимоясида ёш рассом истеъдодини намойиш этди. Шундан сўнг у ўқитувчи сифатида Урганч қурилиш техникумига юборилди. Армия хизматидан сўнг Харков рассомлик бадиий саноат институтига (ҳозирги Академия) бориб, имтиҳон топширди ва ўқишни давом эттиришга киришди. 1976 йили оилавий шароити туфайли ўқишни учинчи курсдан Тошкент театр ва рассомлик санъати институти маҳобатли декоратив безак бўлимига кўчирди. Бу ерда Ўзбекистон халқ рассомлари Валентин Жмакин, Николай Шин, Баҳодир Жалолов ва Юрий Чернишовдан сабоқ олди. Тақдир тақозоси билан уч олий ўқув юртида таҳсил олиб, уларнинг ютуқлари ва методикаси сирларини англашга мушарраф бўлди. Энг муҳими, бу сабоқларни ижодга тадбиқ қила олди. Рассомнинг "Тонг. Сувчилар гурунги» деб аталган илк йирик асари ҳамқишлоқларига бағишланган эди.

Бу асар ҳаётий таассуротлар асосида яратилган автобиографик картина. Учта сувчи эрта баҳорда шудгор ювиш жараёнида суҳбатлашиб турган ҳолатда, кекса деҳқон ёшларга ер, сув ҳақида ўз тажрибасини сўзлаб бераётгани тасвирланган. Шудгор ювиш Хоразмда жуда муҳим иш, у ердан яхши ҳосил олиш учун замин яратади. Бу жараён кечаю кундуз давом этиши билан бошқа вилоятлардан фарқланади. Уч қиёфанинг композицион тузилиши ўзига хос пирамидани ташкил қилади. Асарга куч бирликда, деган рамзий маъно сингдирилган.

"Мактуб" портрет-картинаси рассом ижодида алоҳида ўрин тутади. Ёшлар мавзусига бағишланган бу асар хаёлий таассурот асосида ишланган. Унда биринчи муҳаббат, қизларимиз латофати, ибоси, уятчанлиги оддий қишлоқ қизи тимсолида очиб берилган. Вермер Дельфтинскийнинг "Мактуб" асари бор. Бу асарни Чингиз Аҳмаров "Нафосат йўлларида" китобида завқ билан эслайди. Рустам Худойбергановнинг бу ишида ана шу мумтоз асарга ҳамоҳанглик сезилса-да, композиция ечими ва рангларнинг танланиши, тимсол ҳолатларида тубдан фарқ бор.Рассом ижодида тасвирий санъатнинг барча жанрига хос асарлар учраса-да, натюрморт кам. "Лолақизғалдоқ", "Сафсар", "Сариқ гулдаста", "Настарин" натюрмортларида гуллар гўзаллигининг нозик мавжларини кўрсатишга интилади.

Рассомнинг Тошкентнинг Эски шаҳарига бағишланган "Қиш" манзараси унинг ижодидаги биринчи жиддий асар ҳисобланади. Асарнинг туғилиши ҳақида рассом шундай ҳикоя қилади: "1979 йилнинг охирларида республика ўқувчилар саройини безашда рассом Юрий Чернишов билан ишлардим. Ҳар доим троллейбусдан Ўзбек Миллий театри олдида тушиб, Қоратош маҳалласининг қор босган кўчаларидан пиёдалаб, эски уйларни томоша қилиб иш жойимга борардим. Ойлаб кузатишим натижасида бирон манзара яратсам деган хаёл билан юрдим. Қишнинг изғирин совуғида кўчада расм чизиш қийин бўлгани учун ҳар куни кузатган нарсаларимни қоғозга туширишга киришдим. Шу асосда унча катта бўлмаган ҳажмдаги эскизни аста-секин уйда ишлай бошладим. Натурадан ишламаган бўлсам-да, тайёр бўлган асар ҳаммага маъқул бўлди, бадиий кенгаш томонидан кўргазмага қабул қилинди. Кейинчалик Македонияда кўргазмада қатнашди. Шундан бери кўплаб халқаро кўргазмаларда намойиш этилмоқда». Асар Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан сотиб олинди. Рассомга маънавий ва руҳий куч бағишлади, илҳомлантирди, кўпчиликка танитди. "Қиш", "Болалигимиз кўчалари", "Биринчи қор", "Дераза ортида", "Шаҳар чеккасида", "Қорли кун", "Қиш манзараси", "Қорли куз" каби картиналари эртаклардаги қишни эслатади. "Ўзбекистонда қиш" туркум манзаралари рассомнинг бу фаслдаги ажиб товланишларни теран ҳис қила олишини кўрсатди.

Рассом яхши кўрган фасллардан бири — куз. Бу давр рангларга бойлиги билан кескин фарқланади. Айтайлик, қип-қизил ўрик дарахти барглари, тилладек кўзни қамаштирувчи сариқ рангга бурканган тераклар... Бундай ўткир ранглар рассом полотноларига бамисоли шаршарадек оқиб киради. Йиллар давомида яратилган "Сурхондарё мотиви", "Дала", "Тоғда куз", "Қуёшли кун(Сўқоқ)", "Кузга яқин", "Амударё" асарлари шу фикрни тасдиқлаб турибди. Рассом манзаралар орқали юртига муҳаббатини, содиқлигини изҳор этади. Манзара рассомнинг юртига бaралла айтаётган қўшиғи десак, муболаға бўлмайди.

Портрет мураккаб, кўп куч ва билим талаб қиладиган жанр бўлгани боис ҳар қандай рассом ҳам бунга журъат қилавермайди. Шунингдек, портретда инсон тасвири қаҳрамон билан ўхшаш бўлиши, айни пайтда бадиийлик касб этиши энг мураккаб жараёндир. Рассом ўз асарларида асосий қоидани унутмаган ҳолда, қаҳрамон характерини очиб беришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонлари оддий меҳнаткашлар, кексалар, аёллар, замондошларидир. Улар орасида тарихий шахслар — Тўмарис, Спитамен, Амир Темур, Абу Саид Мирзо, Жалолиддин Мангуберди, Бобур, Феруз портретлари бор.

Рустам Худойберганов замондошлари ҳақида портрет-картиналар ҳам яратган. "Отам портрети" каби асарларда воқелик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳолат ва давр нафасини бадиий бўёқларда акс эттирди.

Рассом кекса отахонлар, нуронийлар портретини яратишда уларнинг руҳий қувватлари, ҳаракатдаги ҳолатини, донолигини, соддалигини тасвирлашга алоҳида эътибор беради. Бундай хусусиятлар талабалик даврида яратилган "Қария портрети", кейинчалик ишлаган "Момо", "Ҳожар хола", "Боғбон" каби асарларида ҳам яққол сезилиб туради.

Рассом ижодида картина жанри етакчи бўлмаса-да, аммо унинг янги имкониятларини намойиш этади. "Асло таслим бўлмаймиз» (Ж.Мангуберди) картинаси Жалолиддин Мангуберди ҳақида бўлиб унинг мардлигини, ватанпарварлигини реал тасвирларда кўрсатишга ҳаракат қилди.

Р.Худойберганов бир неча биноларни безашда, Киночилар уйида безаклар, Тўйтепа ресторанида нақшлар, Қўқон театрида безак тасвирлар, "Истиқлол" саройи учун гобелен каби ишларда иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий фондига қарашли Тошкентдаги "Рассом" комбинатида ёш монументалчи рассом сифатида иш бошлаган Рустам Худойберганов йигирма йилдирки, Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга рангшунослик фанини ўқитиб келади. 2006 йили унинг "Рангшунослик асослари" ўқув китоби нашрдан чиқди. 1988 йилдан Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси, 2003 йили унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони берилди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг "Кумуш медали" ва дипломлари билан тақдирланган.

Бир неча танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, 2009 йили дарсликлар ("Композиция" 2007й.) ёзиш бўйича тасвирий санъат номинациясида биринчи ўринни эгаллаб, мукофотга сазовор бўлди. Дастгоҳли рангтасвир асарлари Темурийлар тарихи музейида, Бадиий академиянинг асарлар фондида, Урганч картиналар галереясида, Хивадаги Ичанқалъа ва Огаҳий музейларида, йигирмадан ортиқ чет эл мамлакатлари шахсий тўпламларида сақланмоқда. Маҳобатли рангтасвир асарлари Тошкент, Термиз, Жарқўрғон, Урганч, Исфара (Тожикистон), Тошовуз (Туркманистон), Перм (Россия), Няган (Ханти-Мансий автоном округи, Россия) шаҳарлари биноларига ишланган.

Рассомнинг фикрича, уни илҳомлантириб турувчи омил нафақат ҳаёт, балки устозлар ўгити, айни пайтда улар яратган асарлардир. Буюклар ўз санъати билан ҳам ҳам устозлик қилади. Рассом асарлари орқали улардан кўп нарсани ўрганиб келмоқда. Бундан ташқари, кўргазмаларда қалбига яқин асарни кўрса, завққа тўлади, руҳланади. Р.Худойберганов руҳий қувват ижодкор учун жуда зарур, руҳияти кучли инсон жисмоний ожизликни ҳам енгиши мумкин, маънавий соғломлик эса уни юксакликка кўтаради, деб ҳисоблайди.



**Нодир НОРМАТОВ**

Учрашув

# МУСИҚА ШЕЪРГА ҚАНОТ БАХШ ЭТСА...

***"Сато" гуруҳи ўзбек созандалик санъатини дунёга танитган Турғун Алиматовдек устоз санъаткор қўлида тарбия топган шогирдлардан ташкил топган. Гуруҳ яккахони Тоир Қўзиев ўтган йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди. У билан суҳбатимиз бугунги эстрада қўшиқчилиги ва мусиқаси борасида.***

**— Аввало, мусиқа шинавандалари эътиборини ўзига жалб этаётган "Сато" гуруҳининг илк фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— "Сато"нинг омад сари қадам қўйган лаҳзалари 2008 йили "Зарафшон" концерт залида бўлиб ўтган яккахон концерт дастуримиздан бошланди, десак хато бўлмайди. Концерт муваффақиятли ўтганидан сўнг мусиқий билими бор йигитлар билан ижодий гуруҳ тузиш фикри туғилди. Сўнг қизғин ижод жараёнлари бошланди. Кейин гуруҳимизни "Сато" дея номладик. Кўпчилик биздан нега гуруҳингизни айнан мусиқа чолғуси номи билан номладингиз, дея сўрашади. Танбур мусиқа асбобини биласиз, чертиб чалинади. Аммо уни камон билан чалганингизда, бошқа мусиқа асбобларидан фарқли ўлароқ, умуман ўзгача, ажиб куй таралади. Шунинг учун гуруҳимиз аъзолари билан "Сато" номи остида ижод қилишга келишдик. Деярли кўп мусиқаларимизни яратишда сатодан фойдаланганмиз. Кейин мусиқа басталашда ёрдам сўраб келган кўпчилик хонандалар билан ҳам сатодан фойдаланган ҳолда бирга ҳамкорликда ишлаяпмиз. Айни кунда гуруҳимиз еттита мусиқачи йигитлардан иборат. Гуруҳимизга Файзулла Юсуфжонов продюссерлик қилади.

**— Сизнингча тайёр мусиқага матн ёзган маъқулми ёки тайёр матнга мусиқа яратган яхшими?**

— Бу ҳар бир бастакорда турлича кечадиган жараён. Баъзилар бор, аввал мусиқасини яратиб, кейин унга шеър излайди. Аммо кўп ҳолларда бастакорлар аввал матн танлаб, сўнг ундаги сўзлардан илҳомланиб мусиқа яратишга ҳаракат қилади. Аслидаям, ижодда кўпроқ шуниси муҳим. Матндаги сўзларга мос мусиқа яратиш учун аввало матн шунга арзийдиган бўлиши, композиторни ижод қилишга ундаши керак. Ана шундай иштиёқ билан яратилган ижод маҳсулини хонанда ширали овози билан халққа етказа олсагина, тингловчи қалбига йўл топади. "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин", деб бекорга айтилмаган. Ижодда ҳам ҳар бир ишни ўзининг устаси қилиши керак. Биз кўпинча матн танлашда мусиқаларимизга мос бўлгани учун мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндалари ижодига мурожаат қиламиз. Мусиқа матнни, матн эса мусиқани тўлдириши, аниқроғи, мусиқа билан матн қовушиши керак. Бунинг учун, албатта, ижодкорларнинг ҳамфикрлиги ниҳоятда зарур. Агар бугун қўшиқ санъатида бирор нарсага эришган бўлсак, бунинг сабаби гуруҳимиз йигитларининг олий санъат мактабларида, яхши устозлар қўлида тарбия топганидир.

Афсуски, ҳозир аксарият қўшиққа ишқибоз ёшлар қўшиқчилик санъати борасида маълум билимга эга эмас. Буни уларнинг қўшиқларидан ҳам сезиб олиш мумкин. Яна бир нарса борки, айни кундаги эстрада қўшиқларида кўпинча асосий эътибор нақоратга қаратиляпти. Шу сабаб, тинглаганингизда нақоратдан бошқа сўзлар ёдингизда қолмайди. Албатта, бу билан хонандаларнинг бари шундай ижод қилади демоқчимасмиз. Эстрада қўшиқчилигида халқ ҳурматига сазовор бўлиб келаётган хонандаларимиз оз эмас. Ёшлар ана шундай ижодкорлардан ўрнак олган ҳолда, ҳақиқий санъат асари қандай бўлиши лозимлигини ўз вақтида англаб етсалар ёмон бўлмасди.

**— Хонандаларимизнинг турли хорижий мусиқалар асосида бемалол қўшиқ айтаётганларига нима дейсиз?**

— Агар қўшиқда мусиқа муаллифи айтиб ўтилиб, матндаги сўзлар ўзбекчага таржима қилинса, маъноси тушунарли бўлса ва бу хонанда ижросида халқнинг кўнглига етиб борса, менимча, бунинг ёмон жойи йўқ. Аммо хориж қўшиқларини ўзича таржима қилиб, яна унга ўзининг исмини қўйиб қўшиқ куйлашни ҳақиқий ўғрилик деса бўлади. Бундан осони бўлмаса керак. Ижодда шошилиш ярамайди. Биласизми, ўз меҳнатингиз билан бирор санъат асарини яратиб қўйсангиз, шундай мароқлики... буни сўз билан тушунтириш мушкул.

**— Айни кунда нималар билан бандсизлар, қандай режаларингиз бор?**

— Яқинда Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрига гастрол сафарига кетяпмиз. Беш-олти кун мобайнида концерт берамиз. Ҳозир янги — учинчи мусиқий албомимизни ёзиб тугатиш арафасидамиз. Мусиқий композициямизнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, уни турли европа куйларини ўзбек мумтоз куйлари билан уйғунлаштирган ҳолда тайёрлаганмиз. Қолаверса, албомдан ўрин олган қўшиқларнинг тўқсон беш фоизи жонли ижродан ўрин олган куйлардир. Қолганларининг мусиқаси компьютер ва синтезатор ёрдамида яратилган. Бир неча хорижий мамлакатнинг поп мусиқа жанрига мурожаат қилганмиз. Мусиқанинг турли жанрлари ўзбек мусиқаси билан пайванд этиб ёзилган. Хуллас, албомда янгиликлар кўп. Асосий мақсадимиз — ёшларимизни ўзбек мумтоз куй-қўшиқларидан кўпроқ баҳраманд этиш. Шу сабабли уларга миллий мумтоз мусиқаларимизни замонавийлаштирган ҳолда тақдим этяпмиз.

**Моҳичеҳра ЭШМИРЗАЕВА**
**суҳбатлашди**

# ЁШ ХОНАНДАЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Доимий ҳамроҳ




Ўзбекистон давлат консерваториясининг иқтидорли талабаларидан бири, "Мусиқа тарихи ва танқидчилиги" кафедраси магистри Венера Зокированинг "Ўзбекистоннинг ёш хонандалари" номли илк китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

В.Зокирова бадиий ижод психологияси, эстетика, тарихий мавзуларга оид масалаларни ўрганувчи ёш мусиқашунос-тадқиқотчи. У Ўзбекистон мусиқа санъати тарихи ва замонавий мусиқа маданиятини ўрганиш ҳамда янги инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Республика вақтли матбуотида кўплаб илмий мақолалари чоп этилган. "Бу китобни яратишимга гўзал, нафис, чинакам беғубор вокал санъатига муҳаббатим туртки бўлди", дейди ёш тадқиқотчи.

Китоб юртимизнинг ёш истеъдодли хонандалари ижодий фаолиятига бағишланган олтита очеркни ўз ичига олган. Академик хонандалик йўналишида Нажмиддин Мавлонов, Жаброил Идрисов, Раҳим Мирзакамолов, эстрада-жаз қўшиқчилари Диана Зиятдинова, Хуршид Иноғомов ва Айсель Балич ёрқин шахсиятга, бетакрор иқтидорга эга ёш ижодкорлардир. Улар халқаро танлов ва фестивалларда қатнашиб, олий ўринларга сазовор бўлган.

Китобда ана шу ёш санъаткорлар ижоди ҳақида бой маълумот берилган. Мазкур китоб мусиқа шинавандалари, айниқса, ёшлар учун қизиқарли ва фойдали бўлади, деган умиддамиз.

**Дилноза АСАНОВА,**
**консерватория талабаси**

# Маданий ҳаёт

Тошкент Ислом университетида улуғ шоирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналарига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Тадбир мумтоз наволар садоси остида, талабалар ижросидаги Навоий ва Бобур ғазаллари билан бошланди. Шундан сўнг, "Психология" йўналиши талабалари "Навоий ва шўх қизлар" саҳна кўринишини намойиш этишди.

Мазкур адабий-бадиий кечада Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафиддинов иштирок этиб, икки буюк ижодкорнинг сермазмун ва намунали ҳаёти ҳамда улар қолдирган бебаҳо мероси ҳақида сўзлади.

Тадбир давомида Успенский номидаги мусиқа академик лицейи талабалари томонидан Навоий ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди. Шоҳжаҳон ва Аврангзеб мулоқотидан иборат саҳна кўриниши талаба-ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Муҳаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ**

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвонсаройида рассомларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 528 йиллигига бағишланган ижодий беллашуви бўлиб ўтди. Машҳур мўйқалам усталари билан бирга, ёш рассомлар "Бобурнома" асари сюжетлари асосида ишланган картиналари билан иштирок этишди.

Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, шунингдек, Республика рассомлик коллежи, А.Хўжаев номидаги дизайн коллежи, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари маҳорат дарсларида бевосита қатнашиш билан бирга, тасвирий санъат соҳалари бўйича иқтидорларини намойиш этдилар.

Кўргазма залида Бобур ва ўзбек халқининг буюк аждодлари сиймолари акс этган графика ҳамда миниатюра асарларидан иборат кўргазма очилди.

Тадбир якунида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди.

**Суннат АСТАНОВ**

Тақдимот

# Хатонинг жавоби

Бугунги куннинг глобал муаммосига айланган ОИТС қаршисида инсоният ҳамон ожиз. А.Навоий номидаги Санъат саройида тақдимоти бўлиб ўтган "Хиёнат" бадиий филми ана шу мавзуда. "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига кўра, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида суратга олинган мазкур филм муаммони янгича талқинда ифодалаб берган. "Менимча, ОИТС инсоният ҳаром-хариш ишлардан сақланиши учун юборилган бир жазо бўлса керак", дейилади асарда. Режиссёрнинг асосий мақсади ҳам шу жумлаларда акс этган. Ёзувчи Усмон Азим сценарийси асосида суратга олинган ушбу филмда "қора иллат" — ОИТСнинг аянчли оқибатлари биринчи ўринга чиқарилади. Режиссёр Санжар Бобоевнинг мавзуни томошабинга етказишдаги маҳорати яққол сезилади.

Асар сокин оҳанг билан бошланиб, воқеалар ривожининг юқори пардасига қадар етиб боради ва яна сокин оҳанг филмга якун ясайди. Режиссёрнинг мақсади — ҳаётда қилган хато учун жавоб бериши муқаррарлигини уқтириш.

Филм қаҳрамонлари ОИТС балосига гирифтор бўладилар. "Мен ҳаром-хариш ботқоғига ғарқ бўлиб, Оллоҳнинг қаҳрини келтирган кунларимнинг бирида шу дардни юқтирдим", дейди асосий қаҳрамонлардан бирини талқин этган актёр Тоҳир Саидов. У ҳам оддий инсонлар каби севиб яшашни, фарзандлари бўлишини жуда-жуда хоҳлайди. Пул, бойлик бор, аммо бахт топилмайди. Аёли бўла туриб, унга хиёнат қилади. Фарзандсизлигини баҳона қилиб, бахтни кўчадан қидиради. Оқибатда ўзига ўқилган ҳукмни ўзи ижро этади.

Моддий эҳтиёжларини қондириш учун чет элга ишлашга бориб-келиб турадиган Мардон (Элбек Файзиев) содда, беғубор аёлининг юзига оёқ қўяди. Яшашнинг лаззати кайф-сафода деб билувчи бу қаҳрамон ҳам ОИТСга гирифтор бўлганини билгач, чорасиз қолади. Бу балодан қутилишнинг энг тўғри йўли ўлим, деб барчасига нуқта қўймоқчи бўлади. Аммо турмуш ўртоғидан хиёнатни кутмаган аёли уни ҳаётга қайтаради. Шу бир лаҳзалик ҳаётида қанчалик маъно борлигини англатмоқчи бўлади. Турмуш ўртоғига садоқатли, иболи, хаёли ўзбек аёли Равшанойни талқин этган Маърифат Ортиқова ўз образини жонли очиб бера олган. У хиёнат ва бедаво дард ҳақида эридан эшитиб оғир аҳволга тушиб қолганда ҳам, бирдан берилган икки зарба уни гангитиб қўйганда ҳам, ўзини тез тутиб олади. У яшаши керак. Ким учун? Ҳали туғилиб улгурмаган боласи учун! Режиссёрнинг маҳорати шунда кўринади. Ўлим ҳақ, аммо ҳаёт ҳали давом этади. Ота-оналари қилган хатоларни такрорламаслик учун ҳам авлодлар яшаши керак. Режиссёр фожиий воқеалар ечимига гўдакнинг дунёга келиши билан нуқта қўяди. Бу билан "Эй одамзод, сенга яна имконият берилди, яшаш имкони. Фақат бу сафар хато қилма, ҳаётга хиёнат қилма!", демоқчи бўлади гўё...

Режиссёр топилмаларидан бири сифатида асосий қаҳрамон Гулзода образини олишимиз мумкин. Жамила Ғафурова талқин этган ушбу образ ҳам жуда мураккаб. У ўзи хоҳласа-да, тинч ҳаёт кечира олмайди. Етимхонада ўсган бу соҳибжамолнинг ҳаёти бойвачча "ҳомий"си Мансурга боғлиқ. У охир-оқибат эркин, ҳалол яшашга қарор қилганида эса кеч бўлади. У ҳам шу балои офатга гирифтор бўлади. Режиссёр Гулзода образида мантиқий хулосалар ясайди. Қизнинг қиёфасидаги гўзаллик – ҳаёт, кўзларидаги исён – ҳаётга бўлган муҳаббат. Аммо қанчалик ҳаётни севмайлик, унга хиёнат қилдикми, жавобини ҳам беришга мажбурмиз. Аччиқ ҳақиқат гўзалликни ҳам, муҳаббатни ҳам инобатга олмайди. У фақат ҳукм ўқийди – ўлим!

ОИТС ва унинг аянчли оқибатлари бот-бот тилга олинаётган бир пайтда бундай долзарб мавзуда филм яратилиши томошабинда ахлоқий маданият, эстетик тарбия ва инсондек яшаш туйғуларини тарбиялашига ишонамиз.

**Мунира НАЗАРОВА**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Ҳажвия

Муҳаммад ОЧИЛ

# ТИЛИДАН ТУТИШОЛМАДИ

Зоотехник Замон Зоҳидов кўп аломат одам. Аломатлиги шундаки, аввало, ўз касбининг устаси. Айтайлик, қўчқорнинг кумалоғини кўриб касаллиги сабабини, совлиқнинг қорнини силаб нечта қўзилашини, сигирнинг маърашига қулоқ тутиб қанча суту, қанча қаймоқ беришини аниқ айтиб беради.

Қолаверса, мол-ҳолга аралашиб юрса-да, ўзини ўта маданиятли санайди. Бошида шляпа, бўйинда бўйинбоғ, қўлтиғида папка билан қўраларга кириб-чиқади. Оғилхоналар остонасидан ҳатлашдан олдин эса, албатта, одеколон септиради, исириқ тутаттиради...

Аммо, ҳар тўкисда бир айб, деганларидек Замон Зоҳидовнинг феъл-атворига мос келмайдиган нуқсони ҳам бор: тили сал чучукроқ. Бояқиш «Р» ҳарфи қўшилиб келадиган сўзларни айтишда қийналади. Масалан, «қўчқор»ни «қўчқол», «сигир»ни «сигил»... қабилида талаффуз этганлиги боис, кулгига сабаб бўлиб юради.

Тўғри, унинг «мансаби»ни инобатга олган чўпон-чўлиқлар бундай пайт мийиғида, четга қараб, яширинча илжайишса, лавозими анчайин салмоқли саналган директор, бош ҳисобчи, бош иқтисодчи, бош муҳандис... каби «бош»лар эса, бемалол, мазза қилиб, роҳатланиб қаҳ-қаҳа отишади.

Охир-оқибатда «Р» туфайли келадиган кулгидан безиб қолган бояқиш Замон Зоҳидов ўзини шу «ҳарф» билан боғлиқ барча ҳузур-ҳаловатлардан маҳрум қилганди. Масалан, «шўрва» ичмасди, паловни «шакароб»сиз ерди, «телевизор»га қарамасди, «чоршанба» кунлари кимсасиз дашту далаларга бош олиб кетарди...

Бироқ инсон боласи қасдланса ҳар қандай қусурдан қутулишнинг имконини топаркан. Замон Зоҳидов ҳам зоотехникликдан хўжалик директорига ўринбосар бўлиб тайинланган кундан бошлаб, тилидаги ғализликни йўқотди. Дўхтирга бормади, табибга учрашмади, шунчаки йўлини топди... «Йўли» шундан иборат эдики, зоотехник... узр, директор ўринбосари Замон Зоҳидов ҳамон «р»ни тузук-қуруқ айта олмас, аммо энди у илмоқли-илмоқсиз саволларга жавоб қайтараркан, тилидан томадиган ҳар қандай жумла-иборада ўша касофат «ҳарф»ни ишлатмасди, вассалом!

Зоҳидовнинг бу тарзда тўсатдан дарддан фориғ топганлиги, табиийки, унинг улфатлари — «бош»ларга маъқул тушмади. Сабаби аён. Чунки улар мажлис-машварат, гапгаштакда тили чучук «улфат»ни мазах-масхара қилишга кўникиб қолишган, шу боис, эндиликда бу «текин томоша»дан осонликча бебаҳра қолишни исташмасди.

Тўғри, тарки одат — амри маҳол қабилида улфатлар ҳамон Зоҳидовнинг забонидан чандишга уринишар, бироқ ўринбосари қурмағур, ҳар гал тилига ташланган «сиртмоқ»дан силлиққина чиқиб кетаверарди...

Ниҳоят директор, бош ҳисобчи, бош иқтисодчи... каби «бошлар»га омад қайтадан кулиб боққандек бўлди. Туман қишлоқ хўжалик бошқармасининг янги тайинланган бошлиғи Боқи Бақоев улар хизмат қиладиган наслчилик хўжалигига ташриф буюрди. Меҳмоннинг пойқадамига салқин сой бўйида тўкин дастурхон тузалди. Боқи Бақоев савлатдор бўлиш устига, хоҳласа гапга тўн кийгизиб, белбоғ боғлаб, истаса қанот қоқтириб, учириб юбора оладиган серзавқ ва ўта сўзамол киши экан. Бу хислатлардан кўнгли сув ичиб ўтирган директор зиёфат айни қиёмига етган маҳал умид тўла нигоҳини меҳмонга қадаганча, шартта унинг қўлидан тутди.

— Боқи Бақоевич! Илтимос... Сизга зарур илтимосимиз бор?!

Меҳмоннавозликдан кайфияти хуш бошқарма бошлиғи қўлини мезбондан ажратиб кўксига қўйди.

— Бемалол! Хўш, озуқа лимитини оширайми? Ёки ем-хашак муаммоси борми?! Балки беда учун селитра-а?!

Директор атрофга аста аланглаб олгач, оҳиста бош чайқади.

— Селитрангиз ўзингизга сийлов! Менга... Умуман, бизга ўринбосарим Зоҳидовни...

Боқи Бақоев сергакланди.

— Тушундим. Демак, ўринбосарнинг баҳридан ўтамиз?!

Директорнинг бош чайқаши бу гал тезлашди.

— Э-э, йўқ! Бунақа зўр мутахассисни «лотерея»да ҳам ютиб ололмайсиз...

— Унда тушунмадим. Хўш, нима қилишим керак?!

— Ҳозир тушунтираман-да! — директор бошқарма бошлиғига яқинроқ сурилиб бошини эгди. — Қани, қулоқнинг қулфини каттароқ очингчи...

Обдон «шипшитиш» ва таъкидлашлардан сўнг ниҳоят Боқи Бақоев энгак силкиб, кўкрак керди.

— Шунақа демайсизми?! Демак, ўринбосарингизнинг тилига тушов солиш керак?! Э-э... бунақа бепул томошаларни боплаймиз. Фақат сизлардан илтимос, ўша Зоҳидовингиз «р» ҳарфини айтишга қийналиб, дудуқланиб қолганда ҳамма баробар кулсин. Чунки, меҳнатим самарасидан ўзим ҳам мазза қилайин-да! Хўш, унда гап бундоқ...

Бошқарма бошлиғининг тезкор ва жўяли фикридан келиб чиқилган ҳолда ўша заҳотиёқ хўжаликдаги барча мутахассислар «мажлислар зали»га таклиф қилинди.

Боқи Бақоев йиғилганларга кўз қирини ташларкан, ўткир нигоҳи билан бир чеккада ўтирган Замон Зоҳидовни излаб топди ва шу заҳотиёқ таҳдидона томоқ қирди.

— Хўш-ш, ўртоқлар! Тезкор «аттестация» ўтказишимиз лозим. Қани, кимдан бошлаймиз?! Таклифим, олдин хеш, кейин дарвеш деганларидай... Ваколатимга кўра қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлай қолай, а?! Сизларда бу вазифа билан директор ўринбосари Зоҳидов... Бўлди, демак синовни Замонжондан бошлаймиз. Марҳамат, унда ёнимга яқинроқ келинг!

Зоҳидов шошилмасдан ўрнидан турди, бўйинбоғини тўғрилади, бармоқлари билан сочини таради, сўнг ён дафтарчаси қатидан қаламини олганча бошқарма бошлиғининг рўпарасидан жой олди.

— Мен тайё-ё... — Зоҳидов туйқус ўзини тутиб олди. — Мен келдим!

— Яхши! — Бақоев унга қараб истеҳзоли жилмайди. — Демак, сиз директорга ўринбосарсиз-а?

— Ҳа, — бош силкиди Зоҳидов. — Мен бошлиққа муовинман!

Бақоев жилмайишнинг тахини бузмади.

— Дуруст, дуруст! Демак, ўринбосар сифатида чорва, зироатчиликка бевосита сиз раҳбарсиз?

— Худди шундай, мен масъулман! — дадил жавоб берди Зоҳидов.

Дастлабки уринишлар зое кетган бўлсада Боқи Бақоев юзидаги тахир табассумни сидириб ташламади.

— Хўш, унда ўртоқ Зокир-ров...

— Авф этасиз, менинг фамилиям Зоҳидов...

— Ие, шунақами?! — Боқи Бақоев жўрттага нописанд жилмайди. — Унда ўртоқ Зоҳидов, айтингчи... сизларда карам, помидор, редиска, бодринг, болгар қалампир, қолаверса, қовун-тарвуз ҳам парвариш қилинади-а? Хўш, бу борада режа-топшириқлар бажарилганми?

Жилмайиш навбати энди Зоҳидовга ўтди.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, катта! Бизда сабзавот ҳам, полиз экини ҳам ошиғи билан адо этилади.

— Лекин, бунинг учун зў-р-р-р тайёр-р-р-гар-р-р-лик керак, ахир-р-р! — атайин «Р» ҳарфига урғу берди Боқи Бақоев. — Шундай экан, трактор — р-р, борона... ремонти қай даражада?

Зоҳидов пинак бузмай жавобга юзланди.

— Бизда аллақачон, техника мавсумга шай!

— Наҳотки?! — ёвқараш қилди Боқи Бақоев, — трактор тариллаб туриши учун солярка керак, керосин керак...

— Ташвиш қилманг, катта! — Зоҳидов яна жилмайди. — Ёқилғи бизда доимо ошиғи билан олинади...

Заллагилар ўтказилаётган бу «сирли синов»дан аллақачон хабар топишган шекилли, у жой-бу жойда кулги кўкка ўрлай бошлади. Бошқарма бошлиғи бундан асаби жунбушга келиб жаҳл билан «Жим! Тинчлик сақлансин! Яна икки-уч савол билан суҳбатни тугатаман...» деди-ю, Зоҳидовга қараб хунук жилмайди.

— Ҳали шунақаман, денг?! Унда чорвадан гапиринг, чор-р-р-вадан! Бу тармоқ зарарлими?!

Зоҳидовнинг галдаги жилмайиши ҳамширингина чиқди.

— Йўқ, асосий соҳа бизда доимо кони фойда!

Боқи Бақоев ўзини тутолмай минбар муштлади.

— Йирик шохли сигир, қутурган... Ҳалиги зотдор буқа-чи?! Қорабайирчи?!

— Авф этинг, — Зоҳидов қўлини кўксига қўйди. — Бизнинг хўжалик, асосан, ушоқ молга ихтисослашган. Қўй-қўзи дегандай...

— Йўқ! — ўшқирди Боқи Бақоев телбанома қўл силтаб. — Қўзи?! Сен менга паррандадан гапир-р-р!.. Хўроз, курка, сесарка, куропатка...

Зоҳидов бошқарма бошлиғининг сўзини ийманибгина бўлди.

— Айтганингизнинг ҳаммаси бизда мавжуд. Ҳатто ғул-ғул товуққача топилади. Умуман олганда, «етти хазина»дан кўнглингиз тўқ бўлсин!

Писмиқона «пиқ-пиқ»лар ошкора «ҳи-ҳи»га айланди. Боқи Бақоевнинг пешонасини тер босди. Ўрнидан сакраб туриб кетганини сезмади. Зоҳидовга қараб ўдағайлади.

— Ўв-в, менга қара! Ҳм-м, узр... Сигаретдан борми?!

Зоҳидов бамайлихотир чўнтак кавлади.

— Чекишдан деяпсизда-а? Бошлиғимиз эса нуқул «Тутундан ол!» дейди. Менинг ўзим эса аслида чекувчимасман. Аммо меҳмон учун ҳамиша топилади...

— Бас-с! — Боқи Бақоев Зоҳидовнинг қўлидан сигарет қутисини юлқиб олди. — Ҳозир-р-рча... Перекур-р-р!

Бошқарма бошлиғи минбарда тамаки бурқситганча узоқ ўйланди, ниҳоят чеҳраси ёришди, хушнудлигини қаватида ўтирган хўжалик директори билан баҳам кўришга ҳам улгурди: «Миямга ажойиб савол келди. Жавобига келганда эса «Р» ҳарфисиз асло мумкин эмас... Қараб туринг!»

Директор «кўрамиз!» дегандай ишонқирамай елка учирди. Бошқарма бошлиғи лабилунжини артиб гапиришга тараддудланди.

— Охирги савол... Ўртоқ Зоҳидов шунга ҳам қониқарли жавоб берсангиз, бўлди. Синовдан ўтган ҳисобланасиз. Қани, айтингчи, чорвачилик соҳасида тери тайёрлаш режаси бажариладими ёки йўқми? Қайтараман, тер-ри... Гўшт плани бажарилибди, жун бажарилибди... Тери-чи?! Тер-ри...

Зоҳидов бундай саволни кутмаганди, илк маротаба чеҳраси жиддийлашди. Боқи Бақоев маккорона илжайди. Хўжалик директори чапак чалмоқчи бўлгандек бармоқларини силкитиб қўйди. Залга оғир сукунат чўкди...

Зоҳидов ниҳоят, ўрнидан илкис қўзғаларкан негадир, қўлини баланд кўтарди.

— Катта... Сиз айтган ўша... пўстак планини ҳам ошиғи билан адо этамиз!

Бошқарма бошлиғи орзиқиб кутган кулги ниҳоят залда портлади. Аммо бу портлашдан Боқи Бақоев мулзам тортди, холос.

Соғлигинг — бойлигинг

# ШАМОЛЛАШ... АСОРАТИ ҚОЛМАСИН

Баҳор ва кузда шамоллаш ва грипп авжига чиқади. Катта ёшдаги одамлар йилига ўртача икки марта, болалар эса ўн икки мартагача шамолларкан. Дори тайёрловчи компаниялар шамоллашда қўлланадиган дори воситаларидан миллиардлаб даромад кўради. Аслида касални даволашдан кўра олдини олиш афзал. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Профилактика тадбирларини нимадан бошлаган маъқул?

Шамоллаш томоқда қичишиш билан белги беради. Шамоллаш кучаймаслиги учун дарҳол лимон ва асалли чой, малина (хўжағат)ли, мойчечак (ромашка)ли чой, клюквали (қизил нордон бўта меваси) морс ёки наматак мевалари дамламасидан ичиш керак. "Улар томоқни инфекция тушишдан сақлайди, — дейди олий тоифали шифокор Т. Алихашкина. — Оққалдирмоқ (мат-мечеха), зуптурум, ширинмия чойлари ҳам фойдали".

Энг муҳими, қўлни тоза тутиш. Вирус кўпинча қўл кири орқали юқади. Шунинг учун таомдан олдин қўлни совунлаб ювинг. Бу энг оддий ва асосий қоида. Вируслар кўз ва бурун шиллиқ пардаси орқали ҳам юқади, тозалаб ювилмаган қўл кўз ва бурунга тегса кифоя. Сув бўлмаса, қўлни нам салфетка билан артиб тозалаш зарур. АҚШ олимлари ўтказган тажрибаларнинг кўрсатишича, агар қўл кунига беш марта совунлаб ювилса, грипп ва ўткир юқумли шамоллаш касалликларига чалиниш эҳтимоли саксон фоизга камаяр экан. Американикларнинг 92 фоизи ҳожатхонадан чиққач, қўлини мунтасил равишда ювишини маълум қилса-да, олимлар жамоат жойларига қўйилган видеокамераларни кузатиб, таажжубга тушишган: одатда, аёлларнинг 12 фоизи, эркакларнинг эса учдан бири умуман қўлини ювмас экан.

**Шамоллаганда биринчи ёрдам.** Томоқни иссиқ шўр сув билан (бир стакан сувга бир чой қошиқ туз қўшиб) чайинг. Денгиз тузи солинган шўр сувнинг нафи янада яхшироқ. Асалга аллергиянгиз бўлмаса, бир қошиқ асал енг — у яллиғланишни олади. Италияликлар томоқни асал қўшилган сабзи шарбати билан, французлар эса лимон ва шакар солинган қайноқ сув билан даволашади. Улар касаллик ўтиб кетгач, тонналаб ҳапдори истеъмол қилмаслик учун ҳар ҳафта кам дозали гомеопатик дори-дармонлар қабул қилишади.

Шамоллаш совқотишдан бошланади. Совқотмаслик учун эса об-ҳавога қараб кийиниш зарур. Совуқда одамнинг иммунитети вирусларга қарши кураша олмайди. Ҳаддан зиёд иссиқ кийинсангиз терлайсиз, тер қайтгач тез шамоллайсиз. Организмни об-ҳаво инжиқликларига ўргатиш, чиниқтиришга иссиқ-совуқ душ ёрдам беради. Бироқ бу тадбирни йилнинг иссиқ фаслларида бошлаган маъқул.

Шамоллашни даволашни иссиқ душ қабул қилиб, дарҳол жун пайпоқ кийишдан бошлаш керак. Ётганда ҳам жун пайпоқни ечманг. Кечаси лимонли ёки малина(хўжағат)ли мураббо солинган чой ичсангиз, шамоллаш чекиниши мумкин.

Ҳаво орқали юқувчи ўткир вирусли касалликлар, энг аввало, нафас йўлларини шикастлайди. Унга чалинмаслик учун иммунитетни кучайтириш зарур. Иммунитетни мустаҳкамлашнинг энг мақбул йўли — тўғри овқатланишга риоя этиш. Апельсин, нордон клюква, чучук қалампир ва кам тузлаб бижғитилган карам организмни С дармондориси билан таъминлайди. Яна навбати билан гўшт ёки балиқ, творог ёки тухум, сариёғ ёки ўсимлик мойи, янги сабзавотлар, сут ёки қатиқ, шарбатларни истеъмол қилиб туришни ҳам ёддан чиқарманг.

Ҳар куни қанчадан-қанча шамоллаган одамлар билан учрашасиз. Учрашмасликнинг эса иложи йўқ. Шу сабабли организмнинг ҳимоя кучларини мустаҳкамламасангиз бошингиз хасталикдан чиқмайди. В гуруҳига мансуб дармондориларни ичиб, лимонўт дамламасини қабул қилиб юрсангиз иммунитет мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Шамоллаш туфайли бурун битган ҳолларда ва умуман кўчадан уйга кирганда ҳамиша ювиниш хонасига ўтиб, дарҳол бурун бўшлиғини микроблардан тозаланг. Кўчага чиқишдан олдин эса, бурун кавакларини оксолин ёки виферон суртмаси билан мойланг. Акса ураётган одам ёнида ўтирманг. Бурун қаттиқ битиб қолганда дарҳол шўр сув билан яхшилаб чайинг. Айримлар маслаҳат берганидек, кир совун ёки қатронли совун билан ювманг. Улар бурун шиллиқ қаватини қуритиб юборади.

Шамоллаш вируси юққани кўзнинг шиллиқ пардаси орқали ҳам дарров сезилади. Вирус тушмаслиги учун кўчадан келибоқ юз-кўзни ювишга одатланинг. Кўзда санчиқ ва қовоқда шиш пайдо бўлса, уларни кўк чой ёки мойчечак дамламаси ёрдамида намлаб кеткизиш мумкин. Бунинг учун пахтани иссиқ кўк чой ёки мойчечак дамламасига ҳўллаб, 10-15 дақиқа кўзни юмиб, устига қўйиб қўйинг.

# АСАЛ ВА ҚАРИҚИЗ МАЛҲАМИ

Организмдаги ортиқча тузларни чиқариб юборишда асал ва асал неъматларининг фойдаси катта. Агар ортиқча тузлар организмдан чиқиб кетмай тўпланиб қолса, бўғимларни шикастлаб кучли оғриқ беради ва бундан одамлар кўп азият чекишади. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар йили май ойи ўрталарида қариқиз (лопух) баргларини кесиб олиб, яхшилаб ювиб, тоза мато устида сув томчилари қолмагунча қуритинг. Сўнг олти юз-етти юз граммли иккита шиша идишнинг оғзига икки қават дока сузғич қопланади. Қариқиз барглари гўшт қиймалагичдан ўтказилиб, дока орқали шарбати сузиб олинади. Ҳар икки шиша идишга бир стакандан қариқиз шарбати солинади. Шарбати олинган қолдиқ ташлаб юборилади. Сўнг ҳар бир идишдаги қариқиз шарбати устига бир стакандан асал ва бир стакандан тоза арoқ қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади.

Шундан сўнг идишлардан бири хонадаги салқин жойга олиб қўйилади, иккинчиси эса музхонанинг у қадар совуқ бўлмаган қуйи жойига жойлаштирилади. Муолажа хона ичидаги салқин жойда сақланаётган малҳамдан бошланади. Доривор моддалар яхши аралашиши учун шиша идиш кунора силкитиб турилади. Натижада ундаги асал аста-секин яхши эритмага айланади. Тайёр бўлган малҳам ҳар куни уч маҳал, овқатдан 20-30 дақиқа олдин бир ош қошиқдан ичилади.

Музхонадаги малҳам эса, октябрь-ноябр ойида керак бўлади. Муолажа пайтида парҳезга қатъий риоя этиш, яъни алкоголли ичимлик, дудланган ва консерваланган маҳсулотлар, қовурилган, аччиқ ва тузланган таомларни истеъмол қилмаслик керак. Музхонадаги малҳамни ҳам кузда шу тарзда ичинг. Агар ушбу айтилганларга қатъий риоя қилинса, янаги баҳорда ўзингизни анча бардам ва тетик ҳис қиласиз. Энг муҳими, елка, бўйин, ва тиззадаги бўғим оғриқлари сизни безовта қилмайди. Бироқ шуни унутмангки, организмдаги ортиқча тузлар жуда секин чиқиб кетади. Шунинг учун ҳар йили баҳорда қариқиз ва асалдан малҳам тайёрлашни канда қилманг. Негаки, бутун йил мобайнида аъзоларда тўпланиб қолган тузларни ҳеч бўлмаса йилда бир марта чиқариб юборишда ҳикмат кўп.

Баъзи кишилар муолажани икки-уч бор такрорлаганидан сўнг туздан бутунлай қутулдим, деб ўйлаб хотиржамликка бериладилар. Унутманг, муолажа яхши самара бергани ҳолда, ҳар йили амалга ошириб турилмаса, хасталик яна қайтиши мумкин. Муолажани такрор-такрор қўллайдиган саксон-тўқсон ёшли қариялар чопқиллаб юришади.



Гўзаллик салонида...

ЎзМУ қошидаги С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги академик лицей ҳудудида жойлашган буфет учун ички танлов эълон қилинади. Буюртмачи — С.Ҳ.Сирожиддинов номидаги академик лицей. Ички танлов комиссияси — С.Ҳ.Сирожиддинов академик лицейи. Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-даҳа, 33-уй. Тел: (8-371) 278-43-57.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 20.01.2010 йил №005350-04 рақам билан (инн-301451926) рўйхатдан ўтган Тошкент шаҳар Буюк Ипак йўли мавзеси 1-уйда жойлашган "IDEAL MOBILE" МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида +99897 417-06-07 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 04.06.2009 йил №004742-04 рақам билан рўйхатдан ўтган "TEAM SPORT UZ" МЧЖ устав фондини 175 314 900 сўмдан 157 586 900 сўмга камайганини маълум қилади.

* * *

Учтепа туманидаги №283 сонли мактаб томонидан 2004 йил №0991144 рақам билан Шахманова Дилфуза номига берилган аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

ТАТУ томонидан 2002 йил Сабиров Анваржон Абдугаффарович номига В№078388 Рег №1721 рақам билан берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 10.06.2005 йил №77/10-349 рақам билан рўйхатдан ўтган Тошкент шаҳар Бодомзор йўли, 1-А уйда жойлашган "ADVOKAT GARANT" адвокатлик фирмаси (инн-205718021) таъсисчининг 16.01.2011 йил №1сонли йиғилиш қарорига кўра тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида 156-67-89 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Сирғали-3, 26-уй, 36-хонадонга тегишли Камолов Зухриддин Зиёдуллаевич номига берилган уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери, уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Шайхонтоҳур туманидаги "TEREMOK INTERNATIONAL" МЧЖ (инн-301606224) таъсисчининг №1 сонли қарорига мувофиқ тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида 127-12-27 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 16 сентябр 2009 йил №005230 (реестр рақами №005230-08) рақам билан Чилонзор-5, 39-уй, 13- хонадонда жойлашган "MAP PRODUCTION" МЧЖга тегишли бўлган Бектемирова Камилла Халиловна номига берилган гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

"SHAXRIYOR-QURILISH-SERVIS" хусусий фирмаси "SHAXRIYOR-QURILISH-SERVIS" шу ном билан МЧЖга айлантирилади. Тел: (+99897) 755-00-92.

* * *

Тошкент шаҳар Миробод туман БТИ томонидан Нукус кўчаси 15-уй, 17-хонадонга тегишли Бердалиева Муяссар Абдулла қизи номига берилган уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери, уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2010 йил 13 августдаги №002948-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, Ҳамза тумани, Бойқўрғон кўчаси 11/3 уй, 229-хонадон манзилида жойлашган "YETAKCHI TA`LIM" муассасаси (СТИР-301679941) тугатилади. Ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 10.01.2011 йил 2-сонли қарор. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари бир ой муддатда 726-26-69 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги "ARM BIO SERVIS" МЧЖ устав фонди 219261706 сўмдан 180877326 сўмга камайганлигини маълум қилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 03.10.2006 йили 626 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 2-проезд Калинин мавзе кўчаси 38-уйда жойлашган МЧЖ шаклидаги "ANSHER REAL ESTATE" хорижий корхонаси (инн-206237098) ўз низом жамғармасини 1118420,43 АҚШ долларидан 914 401,92 АҚШ долларига камайтиради.

* * *

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "PALM LAET" МЧЖга берилган гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

"BARNO-RA`BO SERVIS" хусусий корхонаси шу ном билан нодавлат таълим муассасасига айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

* * *

"ICEMILK CLASSIK" хусусий корхонаси шу ном билан МЧЖга айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

* * *

Тошкент шаҳар 1-сонли Республика тиббиёт коллежи томонидан 2005 йил Т №235009 (рег 6457) рақам билан Эшманова Луиза Наримановна номига берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

"TRANC JAHON RENT" МЧЖ ўз фаолиятини қайта тиклаётганини маълум қилади. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 29 январ 2011 йил №9 (12.333) сонидаги эълон бекор қилинганини маълум этамиз. Тел: 942-34-42.

* * *

Юнусобод 15-даҳа, 12-уй, 33-хонадонда жойлашган "TRANC JAHON RENT" МЧЖ ўз устав фондини 56.550.000 сўмдан 24.509.645 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Маълумот учун тел: 942-34-42.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси уюшма аъзоси, санъатшунос, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Ниғмат АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри Олим Мирзаевга турмуш ўртоғи, театрнинг етакчи актрисаси

**Нодира МИРЗАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, адиб ва журналист

**Аҳад ҲАСАН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

"Ўзбекнаво" бирлашмаси жамоаси бирлашманинг Андижон вилоят бўлинмаси директори Гавҳарой Сотволдиевага волидаи муҳтарамаси

**ОБИНАХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси уюшма аъзоси, таниқли рассом

**Валентин ЕРМАКОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 8461 Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН